

“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз”

**ХФР**

1918-yil  
21-iyundan chiqqan  
boshlagan

№31, 2022-yil  
3-avgust,  
chorshanba (32.725)

# O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ САМАРАЛИ ИШГА СОЛИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 август куни “Ўзбекистон – Озарбайжон – Туркия” форматдаги биринчи вазирлар учрашувида иштирок этиш учун Тошкент шаҳрида бўлиб турган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Туркия делегацияси таркибда учрашувда савдо вазири Меҳмет Муш ҳамда транспорт ва инфратузилма вазири Одил Қораисмоилўғли қатнашди.

Икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида вазир Мавлуд Чавушўғли давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди. Туркия томони Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва сиёсий янгиланишлар дастурини, шунингдек, мамлакатимизнинг, энг аввало, минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва ишонч муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қўламли стратегик шериклик муносабатлари

изчил ривожланиб, амалий ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзаро савдо ва инвестициялар кўрсаткичлари жадал суръат билан ўсиб бормоқда, фаол гуманитар алмашинувлар давом этмоқда.

Улкан ҳамкорлик салоҳиятидан, шу жумладан, худудлараро алоқаларни фаоллаштириш орқали самарали фойдаланишга қаратилган Ўзбекистон ва Туркия етакчиларининг келишув ва қарорларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилди.

Савдо, инвестициялар, инновациялар, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, туризм ва соғлиқни сақлаш соҳаларида қўшма кооперация лойиҳалари ва дастурларини тезлаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари юқори мартабали меҳмонларни Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия ташқи ишлар, савдо ва транспорт вазирларининг биринчи учрашуви муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Минтақавий кун тартиби, шу жумладан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик таъминлашига кўмаклашиш ҳамда жорий йилнинг кузида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Туркий давлатлар ташкилоти саммитига тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИНИ ҚАЙД ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 август куни пойтахтимиздаги Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия вазирларининг биринчи кўп томонлама учрашуви тадбирларида иштирок этаётган Озарбайжон Республикаси делегациясини қабул қилди.

Озарбайжон томонидан ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов, иқтисодиёт вазири Микоил Жабборов ҳамда рақамли ривожланиш ва транспорт вазири Рашад Набиев қатнашди.

Биродар давлатларимиз етакчиларининг келишувларига мувофиқ Ўзбекистон – Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида Озарбайжон ташқи ишлар вазири Ўзбекистон раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Томонлар яқинда ўтган олий даражадаги учрашувдан сўнг сезиларли муваффақиятларга эришилганини мамнуният билан қайд этдилар. Ўтган ойда нефть-газ ва кимё тармоқларида, ипакчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида, шунингдек, миллий индустриаллаш-

тириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни илгари суриш учун делегацияларнинг ўзаро ташрифлари фаол давом эттирилди.

Куни кеча Тошкент шаҳрида икки томонлама Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши муваффақиятли ўтказилди.

Бугун эса уччала мамлакатнинг ташқи ишлар, савдо ва транспорт вазирларининг учрашувида, энг аввало, минтақада самарали транспорт коммуникацияларини йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ўзаро манфаатли ҳамкорликка доир лойиҳа ва дастурларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштириш, шу жумладан, Ўзбекистон – Озарбайжон инвестиция фондини ташкил этиш, ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни рағбатлантириш, биринчи Худудлар форуми ва саноат кўргазмасини ўтказиш, эркин иқтисодий зоналар негизида кооперация учун шароитлар яратиш муҳим эканини алоҳида таъкидлади.

Жорий йил ноябрь ойида Ўзбекистонда ўтказиладиган Туркий давлатлар ташкилоти саммитига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХХТ ОЛИЙ КОМИССАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 август куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Миллий оқчиликлар масалалари бўйича Олий комиссари Қайрат Абдурахмоновни қабул қилди.

Амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари ҳамда миллатлараро тотувлик ва эрқарор тараққиётни таъминлаш соҳасида қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилди.

ЕХХТ институтлари билан устувор йўналишларда – хавфсизлик, иқтисодиёт ва экология соҳаларида, гуманитар йўналишдаги конструктив мулоқот ва сермахсул ҳамкорликнинг бугунги даражаси мамнуният билан қайд этилди. Ўрта муддатли истиқболда қарийб 50 та тадбирни ўтказиш назарда тутилган “йўл харитаси” биргаликда амалга оширилмоқда.

Учрашувда Олий комиссар мамлакатимизда бағрикенглик ва гуманизм маданиятини ривож-

лантириш, миллатлараро ва фуқаролараро англашув ва тотувликни таъминлаш, шу асосда ёш авлодни тарбиялаш бўйича олиб борилаётган сиёсатга юксак баҳо берди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, Афғонистоннинг тинч ривожланиши ва иқтисодий тикланишига кўмаклашиш борасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Қатор қўшма тадбирлар – миллатлараро тотувлик масалалари бўйича минтақавий семинар, халқаро тажриба ва ЕХХТ тавсияларининг тақдиротини ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон делегациясининг миллатлараро муносабатлар муаммосига бағишланган давра суҳбатиде иштирок этиши юзасидан келишувларга эришилди.

Кўп тилли таълим соҳасида, шу жумладан, Марказий Осиё таълим дастури доирасида лойиҳаларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг улкан жасорати ва матонати билан 1991 йил 31 августда қўлга киритилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиздаги ҳеч қачон унутилмайдиган, кадр-қиммати ва аҳамияти йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора ортиб борадиган буюк тарихий воқеадир.

Айнан миллий мустақиллик эл-юртимиз учун жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш, шу жумладан, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш учун мустақкам замин яратиш, эришаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи бўлиб келмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда, дунёда коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқироз, кескин рақобат, турли қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар туфайли юзага келган ғоят оғир ва мураккаб вазиятда мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва уни жаҳонга тараннум қилиш бўйича муҳим натижаларни қўлга киритаётганимиз, бу ютуқлар халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани, энг асосийси, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгариб, улар ислохотлар самарасини кундалик ҳаётда ҳис қилиб яшаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Давоми 2-бетда. ▶



## ИСЛОХОТЛАР БАРДАВОМ БЎЛИШINI ИСТАЙМИЗ

1 АВГУСТ КУНИ “ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИГА  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ  
ТЎҒРИСИДА”ГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН  
ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ  
ЯКУНЛАНДИ.

5

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, эришилган ютуқларни мустақамлаб, туб ислохот жараёнларини янги босқичга кўтариш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг қадри, шаъни ва ғурурини етакчи ўринга олиб чиқиш устувор вазифамизга айланган ҳозирги вақтда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва бўлинмаслиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни мустақамлашга интилиш кўп миллатли халқимизни янада бирлаштирадиган, юксак марраларга сафарбар этадиган беқиёс кучга айланади бормоқда.

Буюк истиқлолимизнинг халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, юртимизни ҳар томонлама эркин, обод ва фаровон мамлакатга айлантиришдаги улкан аҳамият ва моҳиятини ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигини муносиб кутиб олиш ва ушбу қутлуғ санани юксак даражада нишонлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:  
Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) таркиби 1-иловага мувофиқ;  
“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

◀ Давоми, бошланғич 1-бетда.

2. Республика комиссияси (А.Арипов):

Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Мустақиллик байрамининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда кенг нишонланганини таъминласин;

барча ҳудудларда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида Мустақиллик байрамига бағишлаб маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, долзарб мавзулар бўйича фикр алмашувлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида таниқли илм-фан намояндалари, ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбобларидан иборат тарғибот гуруҳларини ташкил этсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб боришини йўлга қўйсин; белгиланган чора-тадбирлар қандай амалга ошириладигани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини ўз йиғилишларида мунтазам равишда эшитиб борсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

4. Жойларда Мустақиллик байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:  
сўнги йилларда мамлакатимизда амалга ошириладиган туб демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижодий ўзгаришларни таъсирчан усулларда ифода этиш;

мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессия вакиллари ўртасида аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада кучайтириш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишларнинг аҳамиятини чуқур таҳлиллар, аниқ ҳаётий мисоллар ёрдамида кенг жамоатчиликка etkazish;

бугунги тинч ва эркин ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга, инсон қадрини улуглашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш; аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижаларини кўрсатиш;

байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, кекса авлод вакиллари қўллаб-қувватлаш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш.

5. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков):  
Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Ҳожиматов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийини ишлаб чиқсин;  
ушбу концерт томошасини тажрибали ижодкорлар ҳамда юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, юксак ғоявий-бадиий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

6. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Бадиий академия (А.Нуриддинов), Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов), Ўзбекистон Журналист-

лар уюшмаси (О.Ўсаров), “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси (И.Латипов) тегишли ташкилотлар билан биргаликда “Энг улуг, энг азиз”, “Ранглар жилосида – она диёр”, “Ватан учун яшайлик!” каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

7. Белгиланган қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетларнинг кўшимча манбалари ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида – Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов), “Дунё” ахборот агентлиги (С.Суяров), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (Ш.Қудратхўжа) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 1 август

## “ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН – ТУРКИЯ” МУЛОҚОТИНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ



**Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ўзбекистон – Озарбайжон – Туркия” мулоқоти биринчи йиғилишида уч мамлакатнинг ташқи сиёсат, савдо, иқтисодиёт ва транспорт масалалари бўйича масъул вазирликлари раҳбарлари иштирок этди.**

Тадбир аввалида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов ушбу мулоқотнинг таъсис этилиши халқаро муносабат ва глобал иқтисодиётда рўй бераётган жараённи ҳисобга олганда ҳар қачонгидан долзарб эканини қайд этди.

Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркия давлатлари раҳбарлари ўртасида ўрнатилган мулоқот, юқори даражадаги ишонч ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш тамойилига асосланган муносабатни ривожлантиришда ҳал қилувчи омил бўлаётгани таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро сиёсат, савдо, иқтисодиёт, инвестиция ва транспорт соҳаларидаги стратегик шерикликни янада мустақамлаш масаласи бутун анжуман давомида муҳокама марказида турди.

Сўнги беш йил ичида Ўзбекистоннинг Озарбайжон билан товар айланмаси етти баробар, Туркия билан эса икки ярим баробар кўпайган. Ушбу ижобий анъана изчил давом этишига ишонч билдирилди.

– Озарбайжон ва Туркия билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича эришилган кўрсаткич ҳали мавжуд салоҳиятга мос эмас, – деди В.Норов. – Бинобарин, ўзаро манфаатли шериклик имкониятидан тўлиқ фойдаланиш учун барча шароит муҳайё.

“Боку – Тбилиси – Карс” темир йўли транзит салоҳиятидан фойдаланиш мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга экани яқдил маъқулланди.

Қайд этилганидек, яқиндагина пойтахтимизда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференцияда “Толибон” ҳаракати вакиллари “Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар” темир йўлини қуриш Афғонистоннинг барқарорлигини таъминлашга ёрдам беришини эътироф этди.

– Мазкур лойиҳа амалга ошса,

Марказий Осиё орқали бир неча йirik минтақа ўртасида юк ташиш муддати ва нархи сезиларли даражада камаёди, – дея сўзини давом эттирди республикамиз ташқи сиёсат идораси етакчиси. – Мамлакатларимиз умумий аҳолиси қарийб 1,9 миллиард, ялпи ички маҳсулоти 3,5 триллион доллар бўлган Жанубий Осиё бозорига тўғридан-тўғри кириб бориш имкони пайдо бўлади.

Йиғилишда Озарбайжон ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов Озарбайжон томони умумий қараш ва ўзаро ҳурматга асосланган бундай минтақавий платформани қўллаб-қувватлаши ва фаол илгари суришини билдирди.

– Озарбайжон, Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги муштарак тарих ва маданият билан чамбарчас боғлиқ, – деди Ж.Байрамов. – Аини ҳолат уч томонлама стратегик алоқани янада ривожлантиради.

Бу жараёнда ёшларимизни умумий тарихий мерос билан таништириш, қолаверса, Тошкент, Боку ва Анкара ўртасидаги маданий-гуманитар алоқани мустақамлаш учун туркум саёҳат дастурларини ишлаб чиқиш ва тезроқ амалга ошириш зарур.

Туркия ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли, ўз навбатида, Осиё ва Европа улкан савдо-сотиқ майдони эканига эътибор қаратиб, давлатларимиз ушбу тижорат оқими марказида туриши кераклигини таъкидлади.

– Ўрта йўлак ва Каспий денгизи орқали ўтадиган транзит йўллари иқтисодий самарадорлиги ва хавфсизлиги билан ажралиб туради, – деди қардош Туркия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари. – Қадимий ва жуда муҳим савдо чизиги – Ипак йўлининг қайта тикланиши туркий дунёни янада жипслаштиради.

Учрашувда турли йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш бўйича таклиф, ташаббуслар ишлаб чиқилди.

Йиғилиш якунида Тошкент декларацияси қабул қилинди.

**Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
ЎЗА мухбири.**



## ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилган “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.**

5 та боб, 34 та моддадан иборат қонун лойиҳаси билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг тамойиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари белгиланмоқда.

Шунингдек, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатига фуқаролик ва маъмурий ишларни киритиш орқали фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятлари кенгайтириляпти.

Таъкидланганидек, ушбу белгиланаётган нормалар билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юритиш ва унга адвокатларни киритишнинг очиқ ва шаффоф механизми, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни инсон омилсиз электрон тизим орқали тасодифий танлаш тартиби жорий этилади.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш ва малакали юридик ёрдам олишга бўлган кафолатларини кучайтиришга, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг шаффоф тартибини жорий этиш ҳамда давлат томонидан ушбу мақсадда ажратиладиган маблағлар сарф-ланиши устидан самарали назоратни ўрнатишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

# ИСЛОҲОТЛАР БАРДАВОМ БЎЛИШИНИ ИСТАЙМИЗ

1 АВГУСТ КУНИ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ЯКУНЛАНДИ.

25 ИЮНДАН БЕРИ ФАОЛ, ТАКЛИФ, ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРГА БОЙ ТАРЗДА ДАВОМ ЭТГАН ҚИЗҒИН ЖАРАЁН ХАЛҚИМИЗ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА, ЎЗГАРИШЛАРГА БЕФАРҚ ЭМАСЛИГИНИ КЎРСАТДИ. КЕНГ КЎЛАМЛИ, ФУҚАРОЛАР БИЛАН БАМАСЛАХАТ ҲОЛДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МАМЛАКАТИМИЗ ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ТАРИХИДА ЖУДА УЛКАН ТАЖРИБА ҲАМ БЎЛДИ.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА, ҲАР БИР МАҲАЛЛАСИДА, МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИДА ЎРГАНИЛДИ, ФУҚАРОЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК ТОМОНИДАН 150 МИНГДАН ОРТИҚ ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА, МУНОСАБАТ КЕЛИБ ТУШДИ. ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ МАСЪУЛ ҚЎМИТАЛАР МАЪЛУМ ҚИЛИШИЧА, БАРЧА ТАКЛИФЛАР УМУМЛАШТИРИЛАДИ, ТАХЛИЛ ЭТИЛАДИ, ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛИГА ЕТКАЗИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ ДАВОМ ЭТАДИ.

ОРАДАН ШУНЧА ВАҚТ ЎТДИ, БИР НЕЧА МАРТА МУДДАТЛАР ЧЎЗИЛДИ. ҚАНЧА СУҲБАТЛАР БЎЛДИ. КЎП ТАКЛИФЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ, БАЪЗИ МЕЪЁРЛАР БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ФИКРЛАР БИЛДИРИЛДИ. МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, ФУҚАРОЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК ТОМОНИДАН 150 МИНГДАН ОРТИҚ ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА, МУНОСАБАТ КЕЛИБ ТУШДИ. ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ МАСЪУЛ ҚЎМИТАЛАР МАЪЛУМ ҚИЛИШИЧА, БАРЧА ТАКЛИФЛАР УМУМЛАШТИРИЛАДИ, ТАХЛИЛ ЭТИЛАДИ, ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛИГА ЕТКАЗИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ ДАВОМ ЭТАДИ.

КАТТА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ОДДИЙ ОДАМЛАРНИНГ ФИКРИ ЭСА ҲАМИША МУҲИМ ВА ҚИЗИҚ. КЕЛИНГ, УЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИГА ҚУЛОҚ TUTАМИЗ.

## ҲАММА ҚУЛАЙ МЕҲНАТ ШАРОИТИДА ИШЛАШИ КЕРАК



**Ихтиёр МҶМИНОВ,**  
**Бухоро вилояти,**  
**Бухоро шаҳридан:**

– Анча йиллар Россияга қатновчи автобусда ишладим. Йўл машаққати осонмас. Ойлар давомида оиламдан узоқда ишлаш ҳам. Шундай бўлса-да, берилган ризқни териб яшаб келямиз. Икки қизимни турмушга узатдим. Шириндан-шакар набираларим бор. 3 йилдан бери посбон бўлиб ишлайман.

Аёлим шахримиздаги 7-оилавий поликлиникада ҳисобчи бўлиб ишлайди. Иккимизнинг топганимиз рўзгор тебратишга етади. Маошимдан набираларимга совғалар ҳам

олиб қўяман. Улар – менинг ҳаётим мазмуни. Келганларида уйимиз нурга, қувончга тўлади. Ҳаётимда бир инсонга нимаики керак бўлса, ҳаммаси бор. Қунимга, соғлигимга, топганимга шукр қиламан. Инсон қадри янада юксалаётганидан қувонаман. Бунинг ўз ҳаётимиз мисолида ҳам айтишимиз мумкин.

Эркин касб танлай оламиз, қулай меҳнат шaroитларида ишлаш имконига эгамиз. Бу масалалар янада мустаҳкамланаётгани ҳам бежиз эмас. Конституцияда инсон меҳнати учун ҳеч қандай камситилишларсиз ва белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги белгиланмоқчи экан. Тўғрида, ҳамма ҳам меҳнатига яраша ҳақ олиши, ишидан, касбидан уялмай, фахр билан ишлаши керак.

## ЎЗИМНИНГ УЙ-ЖОЙИМ БЎЛСА...



**Тўқиной НУРИЛЛАЕВА,**  
**Навоий вилояти,**  
**Навоий шаҳридан:**

– Ўрта-махсус таълимни ҳисобчилик йўналишида тугатганман. Соҳам бўйича кўп жойларда ишладим. Кўз касаллиги туфайли кейин бу йўналишда ишлай олмадим. Қайта ўқиб, тарбиячилик бўйича диплом олганимдан сўнг 2014 йилдан 29-мактабгача таълим ташкилотига тарбиячи бўлиб ишлаб бораётимиз.

Ишонамиз яхши, жамоамиз аҳил. Мени ҳаммиша қўллаб-қувватлашади. Ойлик маош ҳам, болалиқдан ногиронлик нафақасини ҳам оламан. Президент қарорига асосан бу йил май ойидан бошлаб даромад тўлови бўйича солиқ тўламаяман, бир ставка бўйича тўлиқ ойлигимни оламан. Ишга яхши кайфиятда бориб келаман, атрофида яхши одамлар борлигидан мамнунман.

7 ёшли қизим ўзим ишлаб турган муассасада тарбияланади. Маҳалламиз ҳам жуда яхши, имкон даражасида ёрдам беришади.

Бирон масалада мурожаат қилсам, йўқ дейишмайди, бир марталик моддий ёрдам берилади, поликлиника орқали йилда бир марта бепул ордер орқали даволаниб тураман. Ҳаётимдан, саломатлигимдан ҳам, оилам, ишимдан ҳам нолимайман. Лекин бир масала бизни ташвишлантириб келади. Икки хонали уйда турмуш ўртоғим ва қизим билан яшайман. Аммо уй бизники эмас. Ногирон қайнакам бор, қишлоқда ота-онаси парваришида. Уй аслида уларники. Лекин қайнота-қайнонам бизни, деб бу ерга келиша олмади, икки хонали уйда ҳаммамиз яшолмаймиз-да.

Қиш-қировли кунларида уларга жуда қийин. Вазиятимни мутасаддиларга тушунтиролмайман, чунки яшаб турган уйимизни етарли, деб ўйлашади. Ўзимнинг уй-жойим бўлишини, яқинларимга зараримиз тегмаслигини истаиман.

Билишимча, янги Конституцияда давлат ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд ва кам таъминланган, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни қонунда белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаш ҳақида меъёр киритилаётган экан. Мен бунинг қўллайман. Яхши ният билан ҳаракатдамиз, ажабмас, келажакда бизнинг ҳам эмин-эркин яшайдиган уйимиз бўлса.

## МАМЛАКАТ ҲАМ КАТТА БИР РЎЗГОРДАЙ ГАП



**Шўҳрат НОРҚОБИЛОВ:**

– Мен Музрабод туман Кенгаши депутатиман.

7 нафар фарзандим бор. Бизда менга ўхшаган кўп фарзандли оилалар етарлича, шунинг учун ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳам кўп. Биласиз, қишлоқ шароитида яшашнинг ҳам ўзига яраша оғир-енгли бор. Мамлакат ҳам катта бир рўзгордай гап.

«Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун», деган тамойилнинг ўзи бизни катта ўзгаришларга ундаётган эди. Конституция аини керак вақтда янгиланмоқда. Муҳим масалалар эътибордан четда қолмаслиги керак. Ҳал қилиб бўлмайдиган қарама-қаршиликлар инсон фойдасига талқин қилинади, деб белгиланаётгани одамнинг давлат олдида қанчалик азизлигини билдиради.

Умуман, кейинги йилларда ҳар бир соҳада аҳолини доимий равишда қийнаб келган ҳужжатбозлик ишлари дейимизи, бюрократик тизим дейимизи, шунга ўхшаш одамларни қийнаб келган муаммолар бирин-кетин ҳал қилинапти. Қотиб қолиш бўлмайди, ҳар доим ўзгариш, яхши янгилик бўлиб тургани яхши.

## ОНА УЧУН МУҲИМ



**Гулчехра ҲАФИЗОВА,**  
**Асака тумани, "Эргашобод"**  
**маҳалласидан:**

– 2012 йилда турмуш қурганман. Илгари коллежда ишлардим, кейин 3 йил 59-мактабда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишладим. Аини пайтда иккинчи фарзандимга туғруқ таътиладиман.

Бугунги даврда эркак ва аёлнинг ишлаши табиий ҳол. Рўзгорни баробар тебратётган оилалар қанча.

Илгари ҳомиладор аёлларни ишга олмаслик ёки бола парвариши таътилидан қайтгач, ишдан четлатиш ҳолатлари кузатилганини инкор этолмаймиз.

Энди эса Бош қомусимиз, муҳим ҳужжат билан ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланаётган экан. Шунингдек, ҳар бир ишловчи аёл ҳомиладор бўлган тақдирда ва туғиш даврида ҳақ тўланадиган меҳнат таътилига ҳамда янги туғилган чақалоқни парвариш қилиш учун таътилга чиқиш ёки болани фарзандликка олиш учун таътилга чиқиш ҳуқуқига эга бўлиши мен каби кўп оилаларни жуда қувонтирди.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам она фарзандини 2-3 ёшгача ўзи парвариш қилиши, тарбия қилиши керак. Пул, ойлик маошдан-да муҳим бўлган бу жараён болалар келажак, саломатлиги учун гоят аҳамиятли.

✓ **ТАКЛИФЛАРНИНГ 67**  
**ФОИЗИНИ 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН**  
**ЁШЛАР ТАҚДИМ ЭТГАН.**

✓ **ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА**  
**ТАКЛИФЛАРНИНГ ЭНГ КЎПИ**  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАН**  
**13,6 % (20 587 ТАСИ),**  
**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН 12,5**  
**% (18 933 ТАСИ), АНДИЖОН**  
**ВИЛОЯТИДАН 9,3 % (14 020**  
**ТАСИ), ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАН**  
**8,5 % (12 803 ТАСИ),**  
**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАН 7,7**  
**% (11 601 ТАСИ), ФАРҒОНА**  
**ВИЛОЯТИДАН 7,1 % (10 711**  
**ТАСИ) КЕЛИБ ТУШГАН.**

✓ **ТАКЛИФ**  
**МУАЛЛИФЛАРИНИНГ ЭНГ**  
**КИЧИГИ – 15 ЁШНИ ВА ЭНГ**  
**ЁШИ УЛУҒИ – 95 ЁШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТМОҚДА.**



## УЙ-ЖОЙИМИЗ ДАХЛСИЗ



**Назokat МАТЯКУБОВА,**  
**Хива тумани,**  
**"Ишчилар"**  
**маҳалласидан:**

– Ҳаётим бир дoston. 10 ёшимда онасиз қолганман. Дадам бошқа уйланмадилар, тўрт фарзандни

ўзлари тарбия қилиб, ҳар биримизни уйлаб-жойладилар, турмушга узатдилар. 4 йил олдин турмуш ўртоғим автохалокатда вафот этди. 11 ёшли тўнғичим ва 7 ёшли икки ўғлим билан қолдим. Оғир жудаликка чидалмай кўзларим кўрмай, юрولмай ҳам қолдим. Кейинчалик фарзандларимга муҳаббат мени ҳаётга қайтарди, кучли бўлишим кераклигини англадим.

Пандемия даврида маҳалладан ишга таклиф қилишди. Ҳаттоки, ойлик берилмаган пайтлари

ҳам менга пул йиғиб беришди, улардан жуда миннатдорман. Фарзандларимни ўқитиш, уларни уйли-жойли қилишим керак, деган мақсад билан яшай бошладим. Эрим ишлаган заводга мурожаат қилдим ва у ерда ҳозирги кунгача ишлаб келмоқдаман.

Баъзида ҳаёт ташвишларидан чарчаб, жимгина сукут сақлаб қолсам, болаларим дарров "нега сиқиялпсиз, ойижон", "биз бормиз-ку, ҳали ҳаммаси яхши бўлади", деб менга далда беришади. Бу йил оиламиз билан катта ютуққа эришдик, 4 сотих ер олиб ҳовли қурдик. Ўзимнинг, болаларимнинг беминнат маскани, хотирхам яшайдиган манзили бор. Конституцияда ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эгалиги, суд қарорисиз уй-жойдан маҳрум этилишга йўл қўйилмаслиги белгиланганидан хабарим бор. Тўғри, менда бундай хавотир йўқ. Лекин барибир унинг қонун билан тасдиқланиши болаларим учун ҳам муҳим, деб ўйлайман.

## ЯХШИЛАНМОҚДА, ЯНГИЛАНМОҚДА



**Изатилло НАИМОВ,**  
**Денов тумани,**  
**"Ўрикзор"**  
**маҳалла**  
**фуқаролар**  
**йигини раиси:**

– 7 йилдан бери маҳалла раисиман. Маҳалламизда 3 мингдан ортиқ

аҳоли яшайди. Уларнинг орасида кам таъминлангани ҳам, ногиронлиги бори ҳам, боқувчисини йўқотгани ҳам, бойи ҳам, хуллас, ҳар хил одам бор. Ҳар хил одам билан мулоқот қиламиз, ҳар хил фикр оламиниз. Одамлар эмин-эркин гапиришни ўрганмоқда.

Энди маҳалла раиси бўлган пайтларимни эслайман, аҳволимиз анча оғир эди. Аниқ бир тизим асосида ишламасдик, хат-ҳужжат масалалари қийнаб юборарди. Лекин йилдан-йилга тизим яхшиланмоқда, янгиланмоқда, вақтимизни туман марказида эмас, кўпроқ одамлар орасида ўтказаямиз.

Конституцияга ўзгартиришлар киритиш масаласи кўрилатган даврда турибмиз. Энди бир гапни айтмай, менга маъқул келган таклифлар жуда кўп. Мен учун, энг муҳими, ислохотлар бардавом бўлишидир. Чунки одамларнинг оғирини енгил, ёмонини яхши қиладиган тизим яратишга оз вақт кетмайди.



**Шақноза ДЕҲҚОНОВА,**  
**Чортоқ тумани,**  
**"Қорабоғ" қишлоғи,**  
**физика фани**  
**ўқитувчиси:**

– 12 йилдан буён ўқитувчиман. Ишимни яхши кўраман. Биласизми, 12 йил кам вақт эмас, умримнинг шижоатга тўлган, чанқоқ пайтини шу касбимга бағишладим.

Ўқитувчилигим билан фахрланаман.

Ўқитувчиларга ҳам кўп одамлар берилмоқда. Ойликларимиз сезиларли даражада ошди. Умуман, таълим тизимида катта ўзгаришлар бўлди ва хурсанд бўладиган жиҳати шуки, ислохотлар ҳали тўхтаб қолмайди. Педагог ходимларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва обрў-эътибори давлат ҳимоясига олинди. Конституциявий қонун

лойиҳасида, адашмасам, шу масала ҳам бор эди. Бу менга ишонч ва куч беради.

Ўқитувчининг ҳам оиласи, рўзғори бор. Фарзандларимнинг яхши тарбия ва билим олишига вақт ажрата олаяман. Катта ўғлим 2-синфда ўқийди, ўзлаштириши яхши. Президент мактабиде ўқишни жудаям хоҳлайди. Телевизорда кўриб қизиқиб қолган. Ҳозирдан қаттиқ тайёргарлик кўряпти. Инглиз тилини ўрганапти. Мен ҳам у билан бирга ўқияман, биласизми, болаларингиз яхши ўқиши учун сиз ҳам кўшилиши ўқишингиз керак бўларкан. Фарзандларининг яхши инсон бўлиб, одамларга нафи тегиши ҳар бир ота-она орзусидир.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ,**  
**Гулруҳ ОДАШБОЕВА**  
**тайёрлади.**

# СТРАТЕГИК ВАЗИФА

**БИР ХИЛ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ, ҲАВАСКОР МУТАХАССИСЛАР ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҲАҚИДА ЖУДА ТОР ҲИЛОЛЛАЙДИ. "ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ БОҚИМАНДАЛИКНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШГА ҲИШАГАН НАРСА", ДЕЙИШГАЧА БОРИБ ЕТАДИГАНЛАРИ ЧИҚИБ ҚОЛАДИ. АСЛИДА БУ АНЧА КЕНГ ТУШУНЧА, УНИНГ ИЧИДА ҲАЛ ЭТИЛИШИ КЕРАК БЎЛГАН КЎП МАСАЛАЛАР ҲАМ БОР. ЁШЛИГИ, УМРИНИ САРФЛАГАН ОДАМ ПЕНСИЯГА ЧИҚҚАНДАН КЕЙИН МУҲИМ ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ҲИМОЯСИЗ ҚОЛИБ КЕТИШИ ЁКИ ОЙЛИГИ, НАФАҚАСИ ЕТМАГАНИ УЧУН УСТУВОР ҲУҚУҚЛАРИДАН МАХРУМ БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС. ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ, АВВАЛО, ҲУҚУҚЛАР ВА ИМКОНИАТЛАР ТЕНГЛИГИ МАСАЛАСИ, ҲАР БИР ИНСОН ИНСОНДЕК МУОМАЛАГА ЛОЙИҚ ДЕГАНИ ҲАМДИР.**

**МАМЛАКАТИМИЗДА ИЮЛЬ ОЙИДА КЎП ЯХШИ ҲУҲУЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. ШУЛАРДАН, ЭНГ МУҲИМИ БЎЛМАСА, ЗЎРЛАРИДАН БИРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНДИР. БУНГА ШУБҲА ЙЎҚ.**

Президентнинг куни кеча қабул қилинган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармони мазмун-моҳияти ҳам айнан шу масалаларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Стратегияда муҳим вазифалар қаторида 17 та мақсад кўзда тутилмоқда. Хусусан, маҳалла даражасида ижтимоий хизматларни ривожлантириш, ижтимоий хизматларни кўрсатувчи ходимлар салоҳиятини кучайтириш, ногиронликни белгиланган ҳалқаро стандартларга мувофиқлаштириш, тиббий-ижтимоий хизматлар рўйхати ва стандартларини аниқлаш, ижтимоий сўғурта тизимини босқичма-босқич жорий этиш ҳамда уни халқаро стандартларга асосан ривожлантириш, оналикнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ишсиз шахсларни қўллаб-қувватлашни инсон капиталига инвестициялар орқали амалга ошириш каби партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоҳанг бўлган эзгу ғояларни мужассам этган.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичларига мувофиқ, Давлат бюджетининг жами ҳаражатлари 2020 йилдан 2021 йилга 144 143 млрд. сўмдан 188 634 млрд.га ошган бўлса, бу миқдор 2025 йилга бориб 6,5, 2030 йилда 7 фоизга ошиши кўзда тутилган. Ижтимоий нафақа олувчи кам таъминланган оилалар 2020 йилда 918 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу рақам 1260 минг нафарга кўтарилган. Уларни қамраб олиш даражаси 2025 йилгача 85,2 фоизга ортади.

Тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатилган ногиронлиги бўлган шахслар сони ўтган йили 131 минг нафарни, ногиронлиги бўлган шахслар 798 минг нафарни ташкил этган. Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилган реабилитация хизматлари улushi ўтган йили 16,9 фоиз бўлган бўлса, бу рақам 2025 йилда 17,9, 2030 йилда 20,9 фоизни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Тошкент шаҳар партия кенгаши мажлислар залида ўтказилган тадбир мамлакатимиз аҳолиси учун яна бир қимматли ҳужжатда белгиланган чора-тадбирлар моҳиятига қаратилди, юқоридаги маълумотлар алоҳида қайд этилди.

**Нигора ЭШМЕТОВА,**  
ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси,  
халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги  
партия гуруҳи раҳбари:

– Эътироф этиш жоизки, кейинги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, соҳага Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ва қўшимча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш, оилаларни оғир ҳаётини ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни жорий этиш йўналишларида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя соҳасида аниқ механизм яратиб берилди.

Бу эса, албатта, партиямиз Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоялар ва ўз дастурий мақсадларига эришиш йўлидаги устувор вазифалардан саналади. Шундай экан, уларни амалда ҳаётга жорий этиш жараёнида аниқ режа асосида қатъият, интизом ва катта масъулият билан иштирок этишимиз зарур.

Маълумки, Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, ижтимоий ҳимоя соҳасида тизимли ислохотларни изчил давом эттириш ва янада такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишининг бир қатор механизмлари яратилди. Жумладан, ногиронликни белгиланиши ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш ҳамда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш, ижтимоий хизматларни аҳолига бевоқиф бериш маҳалла даражасида кўрсатиш амалиёти жорий этилди.

Кейинги йилларда ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун ариза берувчиларнинг муҳтожлик даражасини аниқлаш жараёнини соддалаштириш, ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш жараёни тезлаштирилди. Бу кам таъминланган оилаларни ижтимоий нафақалар билан қамраб олиш мақсадида амалга оширилиб борилмоқда. Чин етим ёшларни уй-жой билан таъминлаш, бошпанасиз қолган, оғир турмуш шароитига тушиб қолган оилалар ва шахсларни мулк ҳуқуқи берилмаган ҳолда жойлаштириш учун маҳаллий ҳокимликлар томонидан уй-жойларни сотиб олиш тартиби жорий этилди.

Бу ислохотлар аллақачон одамлар ҳаётида акс этмоқда, фуқаролар давлат ғамхўрлигини ҳис этган ҳолда бугундан миннатдор, эртасидан хотиржам яшамоқда. Куни кеча



қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент фармони ҳам айнан шу мақсадларга қаратилгани, унинг асосида қатор чора-тадбирлар белгиланаётгани ҳам аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ҳар доим эътиборда эканининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

**Боймурод ЮСУПОВ,**  
ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи:

– Партиямиз ташкил топгандан бошлаб жамиятда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашиб келмоқда. Партиялар ҳамма қатламни баробар қамраб ололмайди. Бизнинг электоратимиз айнан шу қатлам вакиллари ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармони партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган ғоялар, қарашларимиз, мақсадимиз билан ҳамоҳангдир.

Стратегиянинг қабул қилиниши, унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга ошириши, албатта, камбағалликни камайтириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, аёллар, эркаклар, ёшлар ва ногиронларни тўлиқ, фойдали ва муносиб иш билан таъминлашга эришишга хизмат қилади. Унда белгиланган асосий йўналишларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, кенг тарғиб қилишимиз керак. Бу тизим халқ манфаатлари, инсон қадрини улуғлаш тамойилларини ўзида мужассам этгани билан аҳамиятлидир.

Миллий стратегияда ижтимоий ёрдам ва хизматларнинг базавий кафолатлари белгиланади. Бунга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, таълим, парваршиш ва бошқа зарур бўлган маҳсулотлар ва хизматлар олишга имконияти бўлмаган болаларга кўмаклашиш, касаллик, ишсизлик, оналик ва ногиронлик каби ҳолатлар туфайли ўзини ўзи таъминлаш масалаларини тўлиқ ҳал қила олмайдиган меҳнатга лаёқатли фуқароларни кафолатланган даромадлар билан таъминлаш чора-тадбирлари қиради.

Шунингдек, фармонга асосан жаҳон тажрибаси амалиётларида қабул қилинган каби оналикни ҳимоя қилиш ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларини ижтимоий сўғурта тизимига киритиш ҳамда Ижтимоий сўғурта жамғармасини ташкил этиш масаласи тасдиқланди.

Ҳўш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш қандай тамойилларга асосланади? Бугунги кунда ижтимоий хизмат соҳаси замонавий фуқаролик жамиятининг ўзига хос

институт сифатида намоён бўлмоқда. Ижтимоий хизмат очиклик, шаффофик, ошкоралик тамойилларига таянади. Ёлғиз ва ўзгалар парваршишга муҳтож ёлғиз яшовчи кексалар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ногиронлиги бор болалар, ҳаракатлана олмайдиган ёки ҳаракатланиши чекланган фуқаролар, ижтимоий аҳамиятга молик касаллик билан оғриган шахслар, етим болалар ва ота-она қарамогисиз қолган болалар аҳолининг ижтимоий ҳолатманд тоифаларига киритилган. Стратегия асосида уларнинг ижтимоий муҳофазаси янада кучайтирилиши кўзда тутилмоқда.

**Музаффар МАМАЮСУПОВ,**  
халқ депутатлари Бектемир туман Кенгаши депутати:

– Кейинги йилларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти. "Аёллар дафтари", "Темир" дафтар, "Ёшлар дафтари"га кирган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан йилга ортиб бормоқда. Аммо бу имтиёз, имкониятлардан аҳолининг ҳамма вакили ҳам хабардор эмас. Ажратилаётган моддий ёрдамлар, субсидияларнинг бериб борилиши аксарият ҳолларда тўлиқ ҳолатда бўлмай қоляпти. Боиси, рўйхатдаги шахсларнинг кўпчилиги бошқа ҳудудларда яшайди, бошқа жойларда ишлашади, оқибатда маблағлар уларнинг ҳар бирига етиб бормаяпти.

Ўз навбатида фармонда белгиланган мақсадлар, унинг асосида олиб бориладиган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини ҳам депутат сифатида кенг тарғиб қилишимиз зарур бўлади.

Ҳозирда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқлашда таниш-билишчилик, нотўғри манзилга йўналтириш ҳолатлари йўқ. Илгари бу масалалар маҳалла раисларининг қўлида эди. Ҳатто кўпчиликда моддий ёрдамлар берилмаётган, деган фикрлар бўлган. Ҳозирда юририлаётган ижтимоий ҳимоя реестри бу борада бизга яхши таянч бўляпти. Ҳатто уйма-уй кредитлар берилишида тушунтиришлар олиб бориляпти. Айримлар бу орқали ўз ишини йўлга қўйиб олиш масалаларини тушунишмайди. Шу боис одамлар орасида имтиёзлар, имкониятлар ҳақида тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Яна бир масала ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Ижтимоий дафтларларга олингани билан айрим шахслар ана шу ёрдамни олишга, сўрашга, мурожаат қилишга истиҳоло қилишади. Бу уларнинг қонуний ҳаққи эканлигини тушунтиришимиз керак. Баъзилар имконияти бўла туриб, улар сафига киритишни сўрашади. Биргина мисол айтадиган бўлсак, кимдир фарзандини Хиндистонда давлатиш учун ҳамма жойга мурожаат қилади, ана шу маблағни ундирди. Айримлар ўзимизда бўладиган кичик операцияга пул тополмайди. Ёрдам сўраб қаерга мурожаат қилишни билмайди ёки ҳижолат қилади. Шу боис, ана шу масалаларнинг ҳам аниқ тизими бўлиши керак. Шифохоналарда ижтимоий хизмат ходимлари ишлаши керак. Яқинларини давлатишга қийналаётган, имконияти чекланганларга аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ёрдам олишлари мумкинлигини айтиши керак. Ўз навбатида фармонда белгиланган мақсадлар, унинг асосида олиб бориладиган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини ҳам депутат сифатида кенг тарғиб қилишимиз зарур бўлади.

**Гулрух ОДАШБОВА,**  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

O'zbekiston

## ХДП

Xalq demokratik partiyasi

# ЁШЛАРГА ИМТИЁЗ – ЁШЛАР НИГОҲИДА

YOSHLAR PARLAMENTI

O'zbekiston Respublikasi City Majlisining Senat



Ўзбекистон Халқ демократик партияси  
Марказий Кенгаши Ёшлар билан ишлаш  
сектори раҳбари,  
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар  
парламенти аъзоси, депутат

**Мухсиддин Низомиддинов**

371 2394678

+998935575154

mmnizomididinov92

https://t.me/MMNizomididinov

facebook.com/muxsiddini.nizomididinov

**ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, КАСБ-ҲУНАР ВА ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИГА ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ТАЪСИРЧАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ**

- 1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги "Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4804-сонли Қарори:  
– мамлакатимизда меҳнат бозорининг самарали механизмларини жорий қилиш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ошириш, камбағал ва ишсиз фуқароларни замонавий касб-ҳунарга ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, шу асосда уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш;
- 2 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги "Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 132-сонли Қарори:  
– ёшлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этишининг доимий молиявий манбаларини ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш.

## ҚАРСАҚДА ҲАҚИҚАТ ЙЎҚ

# ҲАҚИҚАТ – МУЛОҚОТДА

Инсон учун сўз, фикрлаш ва мулоқотнинг ахамияти ҳақида Алишер Навоийдан ўтказиб-роқ ҳеч ким айтмаган:

**“Сўздурки, нишон берур ўлукка жон-дин”**

Гапирмайдиган одамнинг қуруқ танадан, ўлиқдан фарқи қолмайди. Бошқанику, майли, тил, мулоқот бўлмаса одам ўзини тушунмайди. Минг йиллар давомида қанча меҳнат, машақ-қатлар билан бунёд этилган дунёнинг туб асо-сида ҳам фикрлаш, мулоқот туради. Мулоқот кўнгиллар қўлини очиб, мамлакатни, бутун оламни обод қилади.

### БУЮКЛИК – МУЛОҚОТДАН

Қадимги тамәддунлар минг йиллар узоқда қолган бўлса ҳам, оддийлиги, табиий жозибаси, қандайдир сирлилиги билан одамни ҳажжон-латиради, ҳайратга солади. Масалан, қадимги Греция, Рим ҳақида ўқиганда, фильмлар кўр-ганда нимадир ҳикмат қидирамиз. Уларнинг буюклиги мулоқот билан ҳам боғлиқ.

Милоддан анча аввалги асрларда қундалик ҳаётга доир муҳим масалалар бозорларда му-ҳоқама этилган, кейинчалик билим, мунозара, таклиф, қонун-қоидалар муҳоқама этиладиган марказлар – Агоралар шаклланган. Улар бо-ра-бора нафақат иқтисодий, шу билан бирга, маъмурий марказлик ҳам қилган.

Қадимги Римда ҳам бозорлар асосида шакл-ланган Форумлар жамиятнинг турли қатлам вакиллари мулоқот қиладиган, фикр алмашади-ган, яшаш қоидалари биргалиқда белгиланади-ган марказлар вазифасини бажарган. Форумлар кейинчалик халқ кенгашлари ўтказиладиган сиёсий марказларга айланади.

Агоралардаги археологик қазишмалар у ерда одамлар жуда қадимдан яшаб келганини исбот-ловчи далилларни кўрсатган. **Одамзод энг бо-шидан бир бўлиб, кўриб-қузаатиб, гаплашиб, фикр, таклиф алмашиб яшашга интилгани,** ўша замонлар учун етук тараққиёт даражасига эришгани аввало, мулоқот мевасидир.

Буюк юнон маданияти, Римнинг улғулиги фикрлашиш, мунозарадан, муҳоқамага очикли-гидан келганга ўхшайди. **Юнонларни, Римни легионлар, гладиаторлар эмас, мулоқотга очиклик буюк қилган, десак бўлади.**

### ТАРИХ ШАХСЛАРНИ, ШАХСЛАР ЯНГИ ТАРИХНИ ЯРАТАДИ

Юнонларда, Қадимги Римда сенат, парла-мент шаклланган замонларга келиб, мулоқотга очикликнинг яна бир муҳташам сири очилиб бошланган. **Мулоқот, эркинлика садоқат буюк шахслар униб-ўсишига кафил, меҳ-рибон она бўлади.**

Халқ-мамлакат фикрга очиклик, эркинлик-ни қадрият, анъанага айлантирса, шу муҳитда етишиб чиққан шахслар бир кун келиб нафақат халқ-мамлакатни, бутун оламни турли билим-ларда янги, юксак мартабаларга кўтариб чи-қади. Гомер, Геродот, Гиппократ, Сукрот, Аристо-тель, Архимед... Улар ҳам кичкиналигида кўча чангитиб чопиб юрган болалар эди. Эркинлик, мулоқот, билим учун очиқ муҳит бўлмаса, кўр бўладиган қадриятлар шаклланмаса, буюклар эмас, сал қаттароклари ҳам етишиб чикмайди.

**Агоралар, форумлар, парламентда нафақат одамзод қандай қоидалар асо-сида яшашига, давлату жамият ривож-ланишига тааллуқли муҳим масалалар муҳоқама қилинадиган мўътабар макон, илгор фикрлар, баланд қадриятлар, метин характерлар манбаи ҳам бўлган.** Чангли ва тутунли шаҳар марказида жойлашган мулоқот биноларидаги мунозаралардан ён-атрофга, бутун мамлакатга маърифат, қадриятлар ҳам оқиб чиққан.

Сенат, парламент мажлислари ўтказилаёт-ганда асосан эшиклар очиқ турган, шаҳарнинг иқтисодий, маъмурий, сиёсий марказида ҳуна-ру меҳнатда, бозор-ўчарда, ибодатда, илм ва янгилик талабида юрган жамоатчилик, турли қатлам вакиллари қандай масалалар кўри-лаётганини, ким нима ҳақида гапиряётганини билиб турган. Қарор қабул қилувчилар ҳам бундан бохабар иш тутган. **Жамоатчиликнинг кайфияти, муносабати қарорлар қабул қи-линишига таъсир эта олган, таянч ва асос бўлган.**

Халқ билан давлат орасида ғийбат эмас, самимий мулоқот ва ўзаро тушуниш, ёвлашиш эмас, дўстлашиш, бузғунчилик эмас, бирлашиш тараққиёт кафолатига айланган, ҳамжихатлик, завқ уйғонган.

**Аристотел айтдики, мулоқотдан завқ-ланиш дўстликнинг асосий белгисидир.**

### МУЛОҚОТ ЙЎҚЛИГИ МУДҲИШЛИК КЕЛТИРАДИ

Инсоният, цивилизациялар тарихидан маъ-лум, турли томонлар бир-бири билан очиқ гап-лашмаган, мунтазам мулоқот ўрнатилмаган жа-миятлар, давлатлар эзгулик, тараққиёт нуқтаи назаридан тайинли бир нарсага эриша олмаган. **Давлат билан фуқаро, халқ ўртасида реал мулоқот йўқлиги давлатнинг ўзини муам-мога айлантиради, оддий одамларнинг турмушини оғирлаштириб, тафаккурини мажруҳ қилади.**

Фашизм нафақат бир халқ, бир мамлакат, балки бутун одамзодга мудҳишлик келтирди, миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қурипти. Мулоқот институтларига йўл берилганда, эҳтимол, қонлар тўқилмас, қирғинлар рўй бер-масди.

Қадимги замонлар, илк ўрта асрлардаги нў-ноқ саройлардаги каби совуқлик изғиб юрадиган марказинг маъхум мақсадларига ўралашиб қолган совет иттифоқи давлат билан фуқаро гап-лашмаслиги, реал мулоқот қилмаслиги қандай оғир оқибатларга олиб келишига энг тушунарли мисол бўла олади. Ўша замонларда катта-катта советлар парламент вазифасини бажариб, гўёки халқ хоҳиш-иродасини ифода этарди. Лекин қаҳратонда пахта даласида қалтираб турган болалару аёлларнинг кўнгилдан нима ўтатгани билан жоҳил сиёсатнинг иши йўқ эди. Айтиш бор, буюриш бор, талаб қилиш бор, хирмон

тўлдириш бор, аммо мулоқот, буни таъминлаши керак бўлган институтлар бўлган эдими?..

**Ўзи хонлигу амириклар давридаги асосий кўргилиklarимиз ҳам айнан му-лоқот, тушуниш, тушунтириш, жамият миқёсида фикрлаш ривожлантирилмагани оқибатида рўй берган бўлса керак.**

Ўтмишни даволаб бўлмайди, майли, яқин-яқингача бўлган даврда ҳам халқ билан дав-лат, амалдорлар ва фуқаролар ўртасида реал мулоқот ҳосил бўлмагани иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий муаммолар тўлланиб қолишига олиб келгани бежиз эмас.

### ЯНГИ ДАВР МАЗМУНИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқ би-лан мулоқот ғояси Ўзбекистон давлатчилиги тарихида янги даврни бошлаб бергани яққол кўриниб турадибди.

Мулоқотга, халқ олдида ҳисобдорликка асосланган **ислоҳотларнинг томири инсо-ният тарихидаги энг яхши давлатчилик тажрибаларидан, турли мингйилликлар, турли асрларда яшаб, маърифат учун, та-раққиёт учун борлиғини бахшида қилган буюклар ўгитларидан сув ичиб турибди.**

Халқ билан ҳақиқий, самимий мулоқот Янги Ўзбекистон ғоясининг туб мазмунидаги муҳим ва таянч тушунчалардан ҳисобланади.

Илгари ҳокимни, амалдорларни йиллар да-вомида бир кўрмаган узок қишлоқдаги одамлар ҳозир сайёр учрашувларда бемалол гаплаша оляпти. Одамларни кўрса, қовоғидан қор ёға-диган ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари сабр билан эшитишга, тушунишга, бақир-чақир қилиб буйруқ беришга эмас, гаплашиб муаммо-ларга ечим излашга одатланыпти. **Мурожаат-ларни эшитишдан, ҳал этишга куч топиш-дан бошланган мулоқот амалдорларни ҳам, фуқароларни ҳам ўзгартيرياпти. Тўғ-ри, ўзгариш бир хил жойда яхши, бир хил жойда секин кетаяпти.** Тушунганлар натижа қилаяпти, тушунмаганлар орқага тортыпти.

Фуқаролар фаол муносабат билдираётган, одамларни ўйлантириб турган муаммолар бир-ма-бир хал қилиниши, енгилликлар берилиши таъкидланиб, биринчи янгилик “тонировка” ҳақида бўлди.

Яхши хабар бир зумда республикага тар-қалди, дунёдаги юртдошларимиз эшитди. Ярни текин бўлгани билан ҳамма машиналар ойнаси қорайтириб олингани йўқ, асосийси, миллион-лаб ватандошларга яхши энергия, кайфият тарқалди. Кайфият иштиёқни, иштиёқ жамият-да меҳрни, завқни оширади. Ўқитувчининг болаларга, шифокорнинг беморга, деҳқоннинг далага, одамнинг одамга меҳри кучадаи. **Муро-жаатлар босқинчидан демократик мулоқот босқинчига кириб келинмоқда.**

Янгиликлар бу ҳафта ҳам давом этди. Twitter, WeChat, Вконтакте Ўзбекистон бўйлаб қайтадан тўсиқларсиз ишлай бошлади. Битта Twitterнинг ўзида бир кунда қанча фикр, қан-ча таклиф, қанча ибрат, қанча ҳасрат, қанча қувонч, қанча завқ қўшилади? Тўсиб қўйиш қизиқиб, завқланиб гаплашиб турган икки одамнинг ўртасига тош отишдек хунук иш. Қадим даврни хаёлга келтирсак, агора ва форум-ларда муҳоқама қилаётган инсонларни кўчага қувиб солишдай гап. Ижтимоий тармоқ аввало мулоқот маконидир.

Тадбиркорлар билан очиқ мулоқот. Шифо-корлар билан очиқ мулоқот. Яқинда яна тад-биркорлар билан очиқ мулоқот бўлади.

Президентнинг 2022 йил 29 июль кuni айти-чилар билан мулоқотида юзага келган очиклик муҳитида кўп мулоҳазалар, таклифлар айтил-ди. Соҳада ёш иқтидорларни аниқлаш бўйича Президент талновини ўтказиш ташаббуси қўл-лаб-қувватланди. Ясинида исмли ёш айтичи қиз билан бир неча дақиқа давом этган самимий мулоқотда бутун республикадаги ёшларни руҳ-лантирадиган таклиф юзага чиқадиган бўлди.

Ўз вақтида ўтказилган битта мулоқот нафа-қат битта соҳани, балки давлат ва мамлакатни ўзгартиши мумкин.

### КЕНГАШ, АВВАЛО, МУЛОҚОТ ҚИЛИШ ДЕГАНИ

Одамларни эшитиб, пастга тушиб, маҳал-ларга, ойлаларга бориб ишлаш талаби икки кунлик тўйдек ўтиб кетадиган тadbир эмас, албатта. Ҳар бир ҳудудда халқ билан ҳамнафас бўлиб ишлаш, муаммоларни марказга жўнат-май, газак олдирмай жойида ҳал қилиш имко-ниятини яратиш учун кейинги йилларда муҳим, оғир масалалар ҳал этилмоқда.

Илгари мактаб ёки шифоҳонанинг дераза-сини алмаштиришга пули бўлмаган маҳаллий ҳокимиятнинг молиявий имкониятлари аввал-гига нисбатан анча яшиланди. Бир пайтлар ўта марказлаштирилган, бюрократлаштирилган кўпплаб масалалар ҳудудларнинг ўзида ҳал этилишига ҳозир шароит ҳосил бўлди. Катта имкониятларга эга бўлиш жавобгарлиқни ҳам ошириш керак. Шунинг учун маҳаллий ҳоким-лик, ижро органларининг ҳудудий тузилмалари халқ депутатлари Кенгашлари олдида масъ-улиятли бўлиши учун қонунларга бир қатор янги меъёрлар кўшилди. Натижада ҳудудларда давлат идоралари ва маҳаллий жамоатчилик ўртасида муайян мулоқот муҳити, демократик кайфият юзага келди.

Тараққиёт стратегиясида халқ депутатлари Кенгашларини муаммоларни ҳудудларнинг ўзи-да ҳал этишда муҳим институтга айлантириш бўйича мақсад анчи белгиланган. Бу масала Президент таклифи, халқимизнинг фаол қўл-лаб-қувватлови билан Конституциявий ислоҳот даражасига кўтарилди, ҳокимликларнинг ўз қо-бигага ўрალიб қолиши ва депутатларнинг асо-сий масъулиятни ижро идораларига ағдаришига чек қўйилмоқда, ҳокимлик ва халқ депутатлари Кенгашлари ниҳоят ўз йўлига тушиб олмақда.

Ҳокимларнинг ҳудудларда мутлақ ваколат-ларга эга бўлиши биринчи навбатда жойларда мулоқот, очиклик муҳитини ўлдиради. Халқ де-путатлари Кенгашлари ҳудуднинг муаммосини ўзи ҳал қилишга уринадиган бошқарув инсти-тuti эмас, кўпроқ қўл кўтариладиган ёки сохта қарсақ чалинадиган майдонга айлиниб қолади.

Халқ билан мулоқотни янги даражага кў-тариш, ҳудудларда масъулиятни кучайтириш учун халқ депутатлари Кенгашларининг муло-қот, фикр ва таклиф алмашш масалаларидаги аҳамиятини ошириш заруратга айланган. Му-лоқот мамлакат тақдирини ҳал қилишда қан-чалик аҳамиятли институт эканини буюк тарих исботлаган.

Кейинги йилларда халқ депутатлари Кен-гашларида, 6 минг нафардан ортик депутат-ларда, яна бир неча ўн минг мутасаддиларда, асосийси, одамларда фикр, дунёқараш ўзгар-ди, мулоқот маданияти шаклланди. Халқимиз Конституциянинг 99-моддаси бўйича таклифни қўлласа, сессиялар ўлда-жўлда ўтмайди, ҳақи-қий мулоқот майдонига айланади. Демократик мулоқот маданияти, сиёсий-ҳуқуқий маърифат Кенгашлардан ҳудудларга, маҳаллаларга, оила-ларга ёйилади, юраклардан-юракларга ўтади.

### ПАРЛАМЕНТ МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНМОҚДА

Жорж Байрон **“мен парламентни ва му-нозараларни яхши кўраман”,** деганида қан-дай парламентни назарда тутгани кўпчиликка маълум.

Ҳамма нарса сўзсиз қўлланадиган парла-ментдан зерикарлироқ жой бўлмаса керак. Чўнки бунда бефарқларча, номига қўллаш кай-фияти кучайиб кетиши хавфи бор. Парламент мажлисларида шунчаки ўтириб, қўл кўтариб кетадиган аъзолардан кўра фикрга, мулоқотга ундайдиган, қайсарроқ, ҳатто эзмароқ аъо-лар кўп марта тузуқроқ. Ҳеч ким парламент зерикарли бўлишини истамайди, шунинг учун очик, самимий мулоқотга ташна парламентни ривожлантириш йўлидаги ҳаракатлар турғун-лик ҳолатига тушиб қолмаслиги жуда муҳим.

Президент янги даврдаги ислоҳотларнинг бошланишида “Парламент демократия мактаби-га айланиши керак”лиги ҳақида мазмуни чўқур фикрларни билдирган эди.

**Бу ҳар бир депутат ўқишда, ўрганиш-да, таҳлил қилишда, фикр билдириш ва мулоқот қилишда бутун жамиятга ўрнак бўлиши кераклиги билан ҳам боғлиқ ма-сала эди.**

Ўзгаришлар, албатта, кўп. Аксарият ҳуқумат аъзолари, вазирлик-идоралар раҳбарлари ла-возимга киришишдан олдин парламент, сиёсий партиялар фракциялари тасдигидан ўтаяпти. Ҳозир деярли ҳар ҳафта ҳукуматнинг бирон аъзоси, бирорта вазир ёки қўмита раҳбари ўз йўналиши бўйича ҳисобот бераётганига гувоҳ бўляммиз.

Мана, яқинда Бош вазир ўринбосари Жам-шид Қўчқоров бошчилигидаги ҳукумат аъзола-ри парламент кўйи палатасида давлат дастури ижросининг бориши бўйича ҳисобот берди. Фракция аъзолари, депутатларнинг саволлари, фикр-мулоҳазалари натижасида ижобий муло-қот кайфияти, демократик муҳит кузатилди. Ҳукумат парламент билан мамлакатни ривож-лантиришнинг долзарб масалалари бўйича гап-лашганини турли ахборот воситалари орқали бутун мамлакат билди. Яъни, ҳукумат нафақат парламентга, мазмунига кўра, халқимизга ҳисоб бериш, гапларини, режаларини айтиш имконига эга бўлди. Тўғри, шу кuni парламент ва ҳукумат идеал даражада мулоқотга кириш-магандир, лекин муҳит, кайфият, демократик масъулият бир неча йил олдингиларидан туб-дан фарқ қилаётгани шахсан менга сезилди.

Бу – яхшилик аломати. Ҳукумат мулозим-лари парламентга келганда мажлис заллари ортида халқимизнинг синчков ва сезувчан на-зарини ҳис қилиб, мулоқотга масъулият билан киришишга ўтмоқда.

Кейинги вақтларда депутатлар мурожаат-ларни ҳал этишда таъсир кучини оширишга эришди. Парламент аъзоси борган аксарият тadbирларда ҳудуд ҳокими борадиган, депутат билан ёнма-ён туриб, ҳудудлардаги масалалар бўйича фикрлашадиган, очик-ойдин муҳоқама қиладиган бўлмоқда.

Авваллари ҳокимлар, амалдорлар ўзини депутатлардан анча катта оларди, худди ўзи-ни иш берувчидек тутарди. “Депутатга бепи-сандлик халққа беписандлик”, деган қатъий мазмундаги ўқтиришлар ва шунга муносиб жараёнлардан кейин нафақат ҳудудларда, балки марказий идораларда парламентга нис-батан муносабат ўзгарди. Ҳар ҳолда ҳозир ун-ча-мунча ҳукумат аъзоси, вазирлик-идоралар раҳбарлари парламентга келиб, бир замонлар бўлгани каби димоғдорлик қила олмайди. Ил-гари депутатлар не бир вазирларнинг қабулига кириши амри маҳол эди.

Депутатлар сайловчилари, жуда бўлмаганда маҳалладошлари олдида маъсўл эканини билиб турибди. “Депутатман, бошқача фазилатли одамман”, “раҳбариятнинг назаридаман”, деб кеккаядиганлар қолмаган бўлса керак.

Халқ билан мулоқот бош тамойили, шу-нингдек, Олий Мажлис раҳбарияти тавсиялари асосида депутатлар ҳар ойда, баъзида ҳафтада бир марта ўз округига ёки бошқа бир ҳудудга бориб, тadbирлар, ўрганишлар ўтказиб келяп-ти. Бу номига эмас, аниқ мақсад билан бориб-келиш бўляпти. Ҳозир қайси бир депутатни икки оғиз гуруннга тортманг, гап ора “бунча мурожаатим бор”, “вазирликча чиқишим керак”, “ҳоким билан гаплашдим”, “сўров тайёрлашим, мақола муносабат ёзишим керак”, деган режа-лари эшитилаяпти. Бу ҳам яхшилик аломати.

Албатта, депутат йўл кўрмас, кетмон чоп-мас, лекин одамларнинг кўзи, қулғонига турган масалалардан доимий хабардорлик, қуюнчак-лик жуда зарур. Шунда мунтазам алоқа, му-лоқот ривожланиб, ижтимоий-сиёсий риштага айланади. Бу ришта мамлакатимизнинг барча ҳудуди бўйлаб демократик мулоқот муҳити ёйилишига, ўзаро бирдамлик ва ғамҳўрлик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

### СЕНАТНИНГ ЯНГИЧА МУЛОҚОТ УСЛУБИ

Биров билди, биров билмади: шу кунларда Сенатимиз жамоатчилик билан мулоқот қилиш бўйича янгича форматда ишлашга ўта бошла-

ди.

Кўпчилик эътиборида турган масалалар сенаторлар томонидан тезкор ўрганилиб, масъуллардан қачон ҳал этилиши масаласи сўралапти. **23 июль кuni** Faður Fyлом номи-даги маданият ва истироҳат боғида олиб бори-лаётган ишлар жойига чиқиб ўрганилиб, боғ жорий йилнинг биринчи сентябридан ишлай бошлаши ҳақидаги мутасаддилар ваъдасини жамоатчиликка етказди. **25 июль кuni** Се-натнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Наманганга келин бўлиб келган, ин-тернет тармоқларда интервьюси кенг тарқалган Чинора Абдиеванинг фуқаролик масаласини ўрганишга киришганини маъул қилди. Ўтган ҳафта, шунингдек, жамоатчилик кўп эътироз билдирадиган вазирлик-ташкilotлар фаолияти бўйича жиддий танқидий муҳокамалар ўтка-зилди. Бу ҳам жамоатчилик фикри, муносабати асосида иш ташкил этишининг, фуқаролар билан билвосита мулоқотга киришишнинг амалий мисолидир.

### МУЛОҚОТДА САМИМИЯТ МАСАЛАСИ Черчиллнинг “Биз катта воқеалар ва кич-кина одамлар даврида яшаяпмиз”, деган гапида чуқур маъно бор.

“Халқ билан мулоқот” тамойилини вақтин-чалик кампания, деб тушуниб, одамлар билан номига гаплашадиган, ўрганишлар ва қабул-ларга эриниб бориб-келадиган мутасаддилар эзгу ислоҳотларни обрўсизлантириши мумкин.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг маз-мун-моҳиятини, улардан одамга, ҳаётга нима фойда, қандай манфаат эканини тушунтириши керак бўлган масъуллар жамоатчилик ичига кириб нима дейиши, ўзини самимий тутishi ниҳоятда муҳим. Элчилик, ҳар хил одам бор.

Учрашувлар, мулоқот тadbирлари кўп. Аммо муайян тadbирлар зерикарли, самарасиз ўтишига, жамоатчиликнинг салбий муносаба-ти шаклланишига мутасаддилар ҳам сабабчи бўлаётгани афсусланарли ҳол. Одамларнинг олдига тайёрарликсиз, тўрт varaқ маълумотни, тайёр йўриқнома ва тавсияларни ўқимасдан, нима ҳақда гапиряётганининг маънисига етмас-дан, жонини қийнамасдан жамоатчиликнинг, айниқса, ёшларнинг хафсаласини пир қилаёт-ган мутахассису масъуллар ислоҳотларни олға силжитиш ўрнига, орқага тортади.

ОАВда, ижтимоий тармоқларда билдири-лаётган баъзи муносабатларнинг жонсизлиги, номигалиги, пойинтар-сойинтарлиги, қаерлар-дандир йигиб-терилгани, сохта эътирофларга тўлиб кетганлиги яхши белги эмас. Баъзи му-тахассису мутасаддилар ўзига берилган, ҳақ тўланадиган, ишонилган муҳим вазифаларни бажариш ўрнига сохта мулозаматга муккасидан кетаётгани одамни ўйлантириб қўяди.

Бир учрашувда давлатимиз раҳбари “қар-сақда ҳақиқат йўқ, ҳақиқат – мулоқотда”, де-ганида ривожланишимиз учун сохталик эмас, табиий, самимий мулоқот қанчалик муҳимлиги ўқтирилганди.

Ислоҳотларни қўллашни шунчаки айтиш бир нарса, шу ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш учун астойдил интилиш, керак жойларда курашиш умуман бошқа нарса, албатта. Сох-талик, муғомбилрик, Черчилл назарда тутган кичкиналик учун чора йўқ, инсофни ҳамманинг ўзига берсин.

### ОДАМЛАР БИЛАН ОДАМЛАР “Салтанат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тadbир ва машварат...” Амир Те-мурнинг шу тузуғи қанчалик тўғри эканини далиллаш учун том-том китоб ёзиш мумкин.

Фуқаролик жамияти институтлари ривож-ланмаслиги демократик мулоқот муҳитини сусайтириб, сўндириб боради, очиклик, сами-мийлик ўрнини, сохталик эгаллайди, мулоҳа-залар эмас, қарсақ қўлаяди. Тарихда бундай жамиятлар, бундай даврлар оз бўлмаган.

Одам бир нарсага ҳайрон қолади. Фуқа-ролик жамияти институтларини, вакиллик ҳокимиятини обрўсизлантиришга уринилган ҳолатларда қандайдир хурсанд бўладиган мулозимлар бор. Ҳатто сиёсий партияларни самарасиз, умидсиз ташкилот сифатида кўрса-тишга уринадиганлар, шу ҳолида ўзини катта олим санашларига иштиёқманд мутахассислар ҳам учраб туриши йўга толдириб қўяди. Лекин бу эскирган, ўзини оқламаган, умри тугаган қараш. У сувлар аллақачон оқиб кетди, муло-қотдан қочиш, муаммоларни яшириш яхшилик келтирмаган.

Янги ислоҳотлар даврида фуқаролик жамия-ти институтлари, ОАВ ривожланиши жамияти-мизда демократик мулоқот муҳити кенгайишида муҳим омиллардан бирига айланди. Бунинг учун муҳим қонунлар, қарорлар қабул қилин-ди. Аввал тасаввур этиб бўлмаган ўзгаришлар кузатилаяпти. Конституциявий қонун лойиҳасига ҳам кўпплаб таклифлар, мулоҳазалар билди-рилди.

Табиий ўсиш кетаяпти. Фуқаролик жамияти институтлари ички трансформация жараёнини бошидан ўтказаяпти. Демократик ислоҳотларда, тараққиёт мақсадларига эришишда ўзининг ўрни ва масъулиятини тобора чўқурроқ ҳис қилмоқда. Жамиятда фикр алмашш, так-лифларни билдириш, давлатнинг аҳоли турли қатламлари билан мулоқоти самарадорлигини янада ошириш учун фуқаролик жамияти инсти-тутларининг ахамияти бўйича стратегик ҳужжат ишлаб чиқишнинг вақти келгандир, эҳтимол.

Мулоқот масаласида давлатнинг масъулият, ташкилотчилиги, албатта, муҳим. Лекин жамият ҳам ўзи билан ўзи мулоқот қилишни, давлат билан боғлиқ бўлмаган масалаларни ўзи ҳал этишни ўрганиши зарур. Нафақат халқ билан давлат, балки одамлар билан одамлар бир-бирини тушуниши ҳам жуда муҳим. Фуқаролик жамияти институтлари мамлакатда завқни, дўстлик ва самимийликни оширади.

Янги Ўзбекистон зерикарли эмас, қизиқарли жамият бўлади. Бирга кўрамыз.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ.**

# УЛАР ҲИМОЯМИЗГА ҲАР ДОИМ МУҲТОЖ

## Ўзбекистонда Ювенал юстициянинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати ҳақида



**Ўрол ҲРОБОВЕВ,**  
**Олий Мажлис**  
**Қонунчилик палатаси**  
**депутати, ЎзХДП**  
**фракцияси ҳамда**  
**Меҳнат ва ижтимоий**  
**масалалар қўмитаси**  
**аъзоси:**

— Бугунги кунда юртимизда болаларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича жуда аҳамиятли ишлар амалга оширилмоқда. Бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича тегишли ҳуқуқий база шаклланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда қабул қилинган қатор қонунлар орқали ҳуқуқий асос янада мустаҳкамланмоқда. Хусусан, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги, «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги, «Она сuti билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида»ги, «Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунларда ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қароридан бола ҳуқуқларининг кафолатлари таъминланиши билан боғлиқ муносабатлар аниқ эгс экан.

Бугунги кунда Ўзбекистон бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича дунёда дадил қадам ташлаётган давлатлардан биридир.

Шу ўринда Ювенал юстиция тизими ўзи нима ва мамлакатимизда мазкур тизимни жорий қилишга оид қандай амалий чора-тадбирлар олиб борилмоқда, деган савол турғилади?

Ювенал юстиция (лотинча Juvenile - болалар, вояга етмаганлар, Justice - адлия)

болалар ҳуқуқбузарлиги, болалар содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган жиноят турлари ва суд, ҳуқуқбузар болалар учун мўлжалланган муассасалар томонидан болаларга қилинадиган муомала усуллари ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш йўллари каби мавзулар қамраб олиннадиган кенг тушунчадир.

Халқаро ва Ўзбекистон олимларининг соҳага оид таҳлилларига асосан Ювенал юстиция (адлия) масалаларига оид куйидаги принциплар келтириб ўтилган:

- айсизлик презумпцияси;
- вояга етмаган шахс қўлга олинган захотиёқ унинг ота-оналари ҳозир бўлиши ҳуқуқини таъминлаш мақсадида ота-она ёки васийни зудлик билан хабардор қилиш;
- имкони бўлса, суд жараёни бошланмасдан туриб уларни ушлаб туришдан сақланиш ва бундай ушлаб туриш энг қисқа муддатлардагина амалга оширилиши таъминлаш;
- инсон саломатлиги ва кадр-қимматининг таъминланиши учун барча талабларга жавоб берадиган муассасалар барпо этилиши, даволаш ҳамда касалликларнинг олдини олишга мўлжалланган етарли, лозим даражадаги тиббий хизматнинг кўрсатилиши;
- вояга етмаган шахснинг жисмоний ва руҳий соғлигига хавф туғдириши мумкин бўлган жисмоний жазолаш усулларида иборат қаттиқ, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қиммати оёқости қиладиган барча тарбиявий усулларнинг тақиқланиши;

— яқинлар билан учрашиш, шахсий дахлсизлик, ташқи дунё билан алоқа ва кундалик юмушларни бажариш учун етарлича вақтга эга бўлиш каби ҳуқуқлар, одил ва инсоний муомалага бўлган ҳуқуқлар;

— озодликдан маҳрум қилиш муассасасидан ташқарида малакали ўқитувчилар томонидан таълим берилиши болаларнинг эҳтиёжларига мос бўлиши ва уларни жамиятга қайтишга тайёрлаш;

— болаларнинг, ўз оила аъзолари мустроно ҳолда, катта ёшдаги маҳбуслардан алоҳида сақланишини таъминлаш.

Жаҳон парламентларининг ташкилоти ҳисобланган Парламентлараро Иттифок томонидан турли мамлакатлар алоқадор қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган. Ушбу таклифларда куйидагилар таъминланиши мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган:

— балоғатга етмаган болалар жиноят сифатида баҳоланмайдиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун уларга жиноятчилик муомала қилинмаслиги;

— жиноят содир этишда айбланаётган балоғатга етмаган болалар суд жараёнига

тааллуқли Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг 40-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган барча кафолатлардан фойдалана олишга қодир бўлиши;

— жиноят содир этишда айбланаётган балоғатга етмаган болаларнинг ҳуқуқий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари;

— ишни кўриб чиқишнинг барча босқичларида махфийликнинг ҳуқуқий тан олиниши.

Ўзбекистон Республикасининг бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларида ҳам мамлакатимизда Ювенал адлия тизимини жорий қилиш борасида режалар, вазифалар белгиланган. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 14-мақсади олтинчи бандида «Ювенал адлия тизимини шакллантириш ҳамда бола ҳуқуқлари қонунчилигини кодификациялаш» масаласи қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 16-бандида соҳага алоқадор масъул раҳбарларга тегишли кодекслар ишлаб чиқишида фойдаланиш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Ювенал адлия тизимини жорий этиш бўйича концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш топшириғи берилган.

### ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ювенал юстицияга оид бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Ювенал юстицияга оид ҳужжатлари, Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юриштига доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари), Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари (Ар-Риёд дастурий принциплари), Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари, Қамокда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари (Токио қоидалари) шулар жумласидандир.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йилда қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юриштига доир минимал стандарт қоидалари халқаро ҳуқуқий ҳужжати ҳам катта аҳамиятга эга.

### ҚОНУНЧИЛИК БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимизда муайян тизим шаклланди, шу билан бирга, қонунчилик йўналишида қилинадиган ишлар ҳам бор. Ювенал юстицияга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича айрим масалалар

ва таклифларни билдириб ўтаемиз:

1. Вояга етмаганларнинг профилактикаси билан шуғулланадиган комиссия аъзолари ва ички ишлар органлари инспекция ходимлари вояга етмаганларнинг профилактикаси билан шуғулланишининг махсус билим ва кўникмаларига эга эмас. Мазкур ҳолатни бартараф этиш учун ички ишлар органлари Академиясида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикаси бўйича махсус ўқувларни ташкил этиш ва махсус ихтисосликни жорий этиш.

2. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги профилактикаси бир қатор давлат органлари томонидан амалга оширилиши қонунда белгиланган, бироқ ханузгача мазкур йўналишда ягона, мувофиқлаштирилган амалиёт шаклланди. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларини ягона рўйхатга олиш тизими жорий қилинмаган, вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлари бўйича маъмурий баённомалар факатгина ички ишлар органларида юритилади, холос.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш учун вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари билан шуғулланадиган барча давлат органларида махсус тузилмаларни жорий қилиш, улар таркибини махсус ихтисосликка эга бўлган мутахассислар билан тўлдирish мақсадга мувофиқ.

Вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликларини расмийлаштиришнинг ягона марказини ташкил этиш, мазкур марказ зиммасига вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликларини ва улар бўйича юритилаётган ишларни рўйхатга олиш мажбуриятини юклаш таклиф этилади.

Қонунчилигимизда балоғатга етмаган болаларни жиноий жавобгарликка тортиш минимал ёши 15 ёшга имкон қадар яқинроқ қилиб белгиланиши, жиноий жавобгарликка тортишнинг муқобиллари тан олиниши ва жавобгарликка тортишга оид стандартлар қонунчиликка киритилиши, жиноят содир этишда айбланаётган 18 ёшга тўлмаган барча шахсларга балоғатга етмаганлардек муомала қилиниши белгиланиши зарур.

Балоғатга етмаган болаларнинг ушлаб турилиши билан боғлиқ қонунчилик меъёрлари қайта кўриб чиқиши, бунда ота-она ёки васийни хабардор қилиш мажбуриятининг тан олиниши, балоғатга етмаган шахсларни катта ёшдагилар билан бирга сақланишини тақиқлаш масалалари ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг зарур ҳуқуқий базаси яратилган ва тизимли амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишдаги ислохотларни изчил давом эттириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларига ҳам мос келади.

### АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИДА АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН «ПРЕЗИДЕНТ ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА КЎРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР» ҲАҚИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТҚАЗИЛДИ.



## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ НАЗОРАТСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Шу йил январь-июнь ойларида 313 та ҳужжат, 16 минг 599 та топшириқ «ijro.gov.uz» тизимида рўйхатга олиниб, ижрога қаратилиши таъминланган. Топшириқлар бўйича киритилган 56 минг 967 та ижро натижаси кўриб чиқилган. Жорий йилнинг биринчи ярмида ижро муддати келган топшириқларнинг 4 минг 816 таси ёки 98 фоизининг ижроси таъминланганлиги қайд этилди.

Муддати ўтиб, бажарилмаган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда келгусида бу каби ҳолатлар такроран содир этилишининг олдини олиш юзасидан Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа идораларга 10 дан ортық тақдимнома киритилган ҳам таъкидланди.

— Президент ҳужжатлари – фармон, қарор ва фармойишлар маълум соҳа ва тармоқлардаги муаммоларни ҳал қилиш, янги ва қулай тартибларни жорий этиш мақсадида қабул қилинади, – деди **Адлия вазирлиги Президент ҳужжатлари ижросини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Нўмон Муҳаммадиев**. – Бундан кўзланган мақсад аҳоли манфаатларини ва жа-

мият ривожини таъминлашдир. Фақат бунинг учун топшириқлар барчага бирдек етиб бориши ва ижроси таъминланиши шарт. Амалда барча қонун ҳужжатлари рисоладагидек бажарилапти, деб айтиш қийин, албатта.

Шунинг учун ҳам Президентимизнинг қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган фармони қабул қилинган.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан қатъий назоратни олиб бориш бўйича Адлия вазирлигига қўшимча вазифалар юклатилди. Шу асосда мамлакатимизда ижро назоратининг фундаментал асоси яратилди, мутлақо янги ва яхлит тизим йўлга қўйилди. Натижада ортықча қоғозбозликларнинг олди олинмоқда. Топшириқлар масъул ижрочиларга тезкор етказилиб, уларнинг ижроси ўз вақтида ва тўғри ташкил этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, узоқ вақтлар давомида қолиб кетаётган топшириқларнинг

бажарилиши таъминланиб, салбий ҳолатларнинг кескин камайишига эришилди.

Давлатимиз раҳбарининг 15 соҳадаги топшириқлари ижроси ички иш режаларга асосан мониторинг ва таҳлил қилиниб, натижаси бўйича таҳлилий ахборот ҳамда маълумотлар тайёрланди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ижро интизоми бузилишига йўл қўйган жами 12 нафар ходим интизоми жавобгарликка тортилди. Шундан 5 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган бўлса, 6 нафари ҳайфсан олган, 1 нафарига эса жазима қўлланилган.

Матбуот анжуманида «ijro.gov.uz» тизимидаги муддати яқинлашаётган топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминлаш чоралари кўрилатгани, шу билан бирга, адлия органининг қуйи тизими орқали топшириқлар ижроси, реал ҳолат жойига чиқиб ўрганилаётгани, ҳуқуқий-услубий кўмаклашиш амалиёти йўлга қўйилгани ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

**Тоштемир Худойқулов,**  
**«Ўзбекистон овози» муҳбири.**

## «БЕШ ТАШАББУС» САДОСИ

**Мамлакатимизда ёш авлодни маънавий баркамол ташкил этиб тарбиялаш, бўш вақтини маъмурий ўтказишни ташкил этиш, уларнинг санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича бешта муҳим ташаббус доирасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти.**

Куни кеча Бектемир туманидаги «Иқбол» маҳалласида жойлашган 575-МТТ да «Беш ташаббус» лойиҳаси бўйича ўтказилган байрам тадбирида шу фикрлар таъкидланди. Унда туман ҳокимлиги, ЎзХДП туман кенгаши фаоллари, таълим муассасаси ходимлари иштирок этди. Болажонлар намоийш этган спорт ўйинлари ва ажойиб рақс дастурлари барчага яхши кайфият улашди.

— Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббус ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашга қаратилгани билан фойат аҳамиятли, – дейди мактабгача таълим ташкилоти директори Зиёда Саидвоқасова. – Ёшларни бола-

лигиданоқ спортга, санъатга, тил ўрганишга ва китоб ўқишга бўлган қизиқишларини уйғотиш борасида олиб борилаётган бу каби тадбирлар келажакда албатта, ўз самарасини беради.

Тадбир давомида болажонлар ўртасида «Гўзал ўлкам» мавзусида расмлар танлови ҳам ўтказилди. Мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаган кичкинтойларга эсдалик совғалари топширилди.

— Ёшлар миллатнинг суянчи ва эртаси, – дейди ЎзХДП Бектемир туман кенгаши раиси Лола Ярашева. – Уларнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, бўш вақтларини маъмурий ташкил этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди. Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус эса ёшларимиз учун дастуруламал бўлиб келаётир. Фарзандларимизнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун юртимизда кенг шароит яратилган. Давлатимиз томонидан ёш авлодни тарбиялаш ишларига бундай аниқ ва мақсадли ёндашув, тизимли ва тартибли, қатъий муносабатли кўриб, ҳар бир ёш юрти ва Юртбошисидан, жамият ва ундаги ўзгаришлардан фахр-ифтихорга тўлиши шубҳасиз. «Беш ташаббус» эса ҳар бир ёш қалбида садо бериб тураверади.



**Самандар Тоиров,**  
**лицей ўқувчиси.**

“ЎЗСУВТАЪМИНОТ” АЖ:

# АҲОЛИНИНГ НЕЧА ФОИЗИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН?



Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 71,2 фоизга, оқова сув хизмати 17,5 фоизга етказилиши натижасида жорий йилда қўшимча равишда 521 мингдан ортиқ аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшилانган. Бу ҳақда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан “2022 йилда республика аҳоли пунктларида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимларини такомиллаштириш йўналишидаги ишлар таҳлили” мавзюда ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Жорий йилда мамлакатимизда аҳоли пунктларида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимларини ривожлантириш мақсадида 791 та ичимлик ва оқова сув объектларида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун давлат бюджетидан 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши кўзда тутилган эди. Шунингдек, халқаро молия институтлари томонидан 245,2 миллион доллар миқдордаги маблағлар ажратилиши режалаштирилган. Мазкур маблағлар доирасида 6,5 минг км. ичимлик ва оқова сув тармоқлари, 763 та ичимлик ва оқова сув иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш белгиланган.

“Ўзсувтаъминот” АЖ берган маълумотга кўра, жорий йилнинг I ярим йиллик якуни бўйича республика бюджетидан 854,8 миллиард сўм ва халқаро молия институтларининг 98,9 миллион доллар миқдордаги маблағлари молиялаштирилиб, тегишли равишда 930,8 миллиард сўм ва 108,3 миллион доллар маблағ ўзлаштирилиши таъминланган. Бугунги кунда эса Давлат бюджети ҳисобидан жами 1 779,9 км. ичимлик ва 74,8 км. оқова сув тармоқлари, 121 та иншоот қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган. Шу билан бирга, 69 та объектда қурилиш-монтаж ишлари якунланди.

– Жорий йилда халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан жами 119,2 км. ичимлик ва 33,9 км. оқова сув тармоқлари қуриш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди, – дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Хуршид Раҳматуллаев. – Қолаверса, 4 та сув тақсимлаш иншооти қурилди ва 5 та сув тақсимлаш иншооти ҳам реконструкция қилинди. Шу билан бирга, жамиятимиз томонидан ўтган вақт мобайнида халқаро

молия институтлари иштирокида яна 20 та лойиҳа амалга ошириляпти. Мазкур лойиҳалар Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Ислоом тараққиёт банки ҳамда Саудия тараққиёт ва ОПЕК жамғармаларининг 1 миллиард 861 миллион доллар қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳалар доирасида январь-июнь ойларида жами 119 км. ичимлик сув қувурлари ҳамда 34 км. оқова сув қувурлари ётқизилди. Қолаверса, 4 та сув тақсимлаш иншооти қурилди ва 5 таси реконструкция қилинди. Акциядорлик жамиятининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳудудий сув таъминоти корхоналари учун 88 та махсус техникалар харид қилинди.

Жорий йилда соҳага оид иккита янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-257-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Ичимлик суви таъминоти ва оқова

сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ “драйвер” инновацион лойиҳалар рўйхати тасдиқланди. Мазкур ҳужжатга кўра, “Ўзсувтаъминот” АЖ зиммасига 15 та лойиҳани амалга ошириш юклатилган.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, соҳани трансформация қилиш доирасида Сифат менежменти (ISO 9001) ва Коррупцияга қарши курашиш (ISO 37001) бўйича халқаро сертификатлар олинди. Янги биллинг ишга туширилди. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш бўйича ишлар бошланди. Сув сизиб чиқиш нуқталарини тезкорлик билан аниқлаш ва сув йўқотишларини камайтириш мақсадида жойлардаги бир қатор сув таъминоти объектларида SCADA ахборот йиғиш ва диспетчерлик назорат тизими, геоахборот тизими жорий қилинди.

Бундан ташқари, соҳани модернизация қилиш доирасида қуёш энергияси, қувурларнинг ичини торкетлаш орқали эскирган тармоқларни реконструкция қилиш, частотали ўзгартирувчилар ўрнатилган энергия тежамкор насослар, сув тозалаш иншоотларида цеолитдан тайёрланган филтрлаш материалларини, сувни юпқа қатламли тиндириш технологиялари қўлланилмоқда.

Матбуот анжуманида масъуллар ўтган 6 ой давомида жамият ва унинг тизимидаги ташкилотларга турли восита ва манбалардан келиб тушган 75 197 та мурожаатнинг 85 фоизи ижобий ҳал этилгани, қолган мурожаатлар босқичма-босқичма ҳал этилаётгани тўғрисида ҳам ахборот берди.

**Тотшемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**“Ўзбекистон овози” муҳбири.**



# ШУКРИМНИ, САБРИМНИ ЙЎҚОТМАСЛИККА ҲАРАКАТ ҚИЛАМАН

Қизим туғилганида соғлом эди. 9-ойлик бўлганида эса ўзгаришларни пайқаб қолдик. Унинг бир кўзи ёйлаб ва бир оёғи борган сари қийшайиб бораётганди. Кейин қизимни олиб бормаган шифокор, кўрсатмаган табиби-миз қолмади. Шифо топилмади, қизим Севара бутун умрга ногирон бўлиб қолди.

Ҳаётимдан нолимайман, тангри менга 5 нафар фарзанд ато этди. Фақат қизимнинг тақдирдан хавотир оламан. Биздан кейин яхши яшаб кета олармикан, деб қайғураман. Биласизми, фарзандингизнинг чекаётган азоби ота-онага икки қарра кўпроқ таъсир қилади. Ўша кезлар, қани эди боламнинг ўрнига мен касал бўлсам, у бошқалардек соғлом ҳаёт кечирса, дея ич-этимни ердим.

Бола тарбияси билан уйдан чиқолмай ўтирган оналарга жуда оғир. Сабаби, уззу кун уйда ўтириб тасавури ҳам торайиб кетаверади. Кўпинча яхши кунларнинг келишига ишонмай ҳам қўярдим. Гўёки дунёдан узилиб қолгандек яшардим. Сиқилиб яшаган одатланиб қолгандим. Бир зум бўлмасин, фарзандининг дарди ёдимдан чиқмасди. Қишлоғимиз тоғ бағрида бўлганлиги учун йўлларимиз бир текисда эмас. Севаранинг юриши қийин эди, деярли кунора йиқилиб бирон жойи лат ерди.

Унинг вақти фақат кутубхонада кечар, адабиётни, тарихни жуда севадди.

Худонинг марҳамати кенг экан. Мухтарам Президентимиз ногиронлиги бўлган ёшларга жуда кўп имтиёзлар яратиб берди. 2018 йилда Севара имтиёз билан Жиззах давлат педагогика университетининг тарих факультетига ўқишга қабул қилинди. Шу вақтдан эътиборан қизим учун янги давр, яъни мустақил ҳаёт бошланди. Онанинг кўнгли ҳаммиша болада бўлади. Ҳозир қизим 32 ёшда, лекин ундан ҳаммиша хавотир оламан. Бир кунда ҳол-аҳволини сўраб йигирма марталаб телефон қиламан.

Ҳаётим давомида жуда кўп марта тўсиқларга дуч келдим. Кичик ўғлим турниқдан йиқилиб, суяк емирилиши билан 3-йил тушакка михланди. Ундан кейин турмушга чиқиб кетган қизим Рўза Норбоева йиқилиб кетиб, вақтида даволанмагани боис суяк синиши натижасида умуртқа поғонаси яллиғланиб кетди. Мураккаб операцияларни бошдан ўтказди. У тушакка михланиб қолгач, эри ҳам ташлаб кетди. Ҳозирда унинг 2 ёшли қизчасига мен қарайман. Рўза энди навбатдаги жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказаяпти.

Бу гапларни айтиб бериш менга жуда оғир. Чунки ҳар бирининг дарди билан мен ҳам барабар қу-

рашаман. Тақдир бизни кўп синади, обдон пишидик. Айниқса, ўртанча қизим Рўза жуда қийналди. Бизга нисбатан у дардга тез чалиниб қоладиган бўлган. Операция харажатлари учун бор-будимизни сотдик. Нима бўлса ҳам, энг муҳими, унинг яшаб қолганида. Касал – касал эмас, унга қараган касал, деб бежизга айтишмаган экан. Мен кўрган кунларни ҳеч кимга раво кўрмайман.

Ҳўжайним кунлик ишларга чиқади, оиламизда етишмовчиликлар кўп бўлиб туради. Шукримни, сабримни йўқотмасликка ҳаракат қиламан. Сабаби, Аллоҳ мени 5 та олтин олма билан сийлаган. У сўйган бандасига дард беради. Демак, бунда ҳам бир хикмат бор.

Ёруғ кунларимиз эса олдинда. Айтгандек, Севара бу йил олийгоҳни битирди. Суяги синиб 3 йил даволанган ўғлим оёққа турди, айти вақтда «Самбрахам» университетига тахсил оляпти. Фарзандларимиз яхши яшасин, ўқисин, деб бор кучимизни уларнинг ўқиши учун сарфляпмиз.

Севара қизимнинг ўқишига кўпчилик қарши бўлишганди. Ўқиб битириб, ким ҳам бўларди, деган фикрлар билан бизни бу йўлдан қайтармоқчи бўлишди. Бироқ қизимизнинг ҳаётига нур киришини астойдил хоҳлаганмиз.

Яқинда Президентимизнинг фармонини ўқиб қолдим, ичимдан суюниб, рози бўлдим. У ерда жуда кўп масала бор экан. Олдий, жуда муҳтож одамларга кўплаб энгилликлар, имтиёзлар берилиши кўзда тутилгани жуда қувонарли. Айниқса, ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига тўғри келадиган барча оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш масаласи белгиланган экан.

Болаларим омон бўлсин! Шўқр қиламан. Ҳаётимизга яна қайтиб ёрқин нур кирадиганга ўхшаяпти.

**Малика ИСМОИЛОВА,**  
**Жиззах вилояти Фориш тумани “Этбўриб” қишлоғидан.**

# БИЛАСИЗМИ?



**Ногиронлиги бўлган ёшларга 15 млн сўмгача миқдорда субсидия ажратиш учун ариза қабул қилиш бошланади**

Ҳукумат қарори билан ногиронлиги бўлган ёшларга субсидия ажратишнинг маъмурий регламентлари тасдиқланган.

Регламентга кўра, ногирон ёшларга нодавлат таълим ташкилотларида касб-хунар, дастурлаш, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш, зарур ҳолларда яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун БҲМнинг 50 бараваригача (15 млн. сўмгача) субсидия ажратилади.

Субсидия олиш учун аризалар жорий йил учун – 2022 йил 1 августдан, 2023 йилдан бошлаб ҳар йили – 10 январдан қабул қилинади.



**Пенсияни пластик картада олувчиларга 1 фоиз қўшимча пул берилади**

Қонунчиликка кўра:

– “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилганларга ва жазони ўтаб озодликка чиққан фуқароларга бериладиган тўловлар ҳар ойнинг 5-санасигача молиялаштирилади ҳамда АТ “Халқ банки”нинг сайёр кассалари томонидан маҳаллаларга етказилади;

– АТ “Халқ банки” томонидан пенсия, нафақалар ва моддий ёрдамни фуқароларга нақд етказиш хизматлари учун Пенсия жамғармаси ва бюджетдан 1 фоиз банкка хизмат ҳақи тўлаб берилади;

– пенсия, нафақа, компенсациялар ва моддий ёрдам пулини банк карталари орқали олувчиларга ҳар ойлик пенсия ва нафақа пулининг 1 фоизи миқдорда қўшимча тўлов жорий қилинади.



**3 ёшгача болани парваришлайётган она касал бўлиб қолса, парвариш билан банд бўлган ишлаётган бошқа оила аъзоларига нафақа берилади**

3 ёшгача бўлган болани ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болани парваришлайётган банд бўлган она касал бўлиб, болани парваришлайётган қурби етмай қолган ҳолларда, парвариш билан банд бўлган ишлаётган бошқа оила аъзолари ёки қариндошларига (меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосан) нафақа берилади.



**Ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш учун барча ҳужжатлар фақат my.gov.uz орқали қабул қилинади**

Автомототранспортлар ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахсларнинг ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш, шунингдек, ҳайдовчиликка номзодлардан имтиҳонларни қабул қилиш учун ҳужжатларни ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш учун барча тегишли ҳужжатлар фақат ЯИДХП (my.gov.uz) орқали тақдим этилади.

Бунда тадбиркорлик субъектларининг ўқув курсларини тугатган ҳайдовчиликка номзодлардан имтиҳон қабул қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш бундан мустасно.



**Ғаллачилик кластерларига чорвачиликни кўшишга мажбурлаш тақиқланади**

Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви органлари, ҳокимликлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қуйидагиларга аралашш тақиқланади:

– бошоқли дон етиштиришда агротехник тадбирларни ўтказиш, моддий-техник ресурслар билан таъминлашга;

– ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланиш йўналишларига;

– буғдойни сотиш жараёнида, шартномалар тузишга, хўжаликларни дон тайёрлаш ва қайта ишлаш билан шугулланувчи маълум корхоналарга бириктириш, республика ҳудудлари ўртасидаги ички ташувларга аралашшга.

– Ғаллачилик кластерлари фаолиятига чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа йўналишларни кўшиш тўғрисида ёзма ёки оғзаки тартибда кўрсатма бериш мумкин эмас.

REKLAMA O'RNIDA

+30 Корақалпоғистон Республикаси Хоразм +35

+34 Бухоро Навоий +39

+32 Тошкент Самарқанд Жиззах Сирдарё +37

+34 Қашқадарё Сурхондарё +39

+30 Андижон Наманган Фарғона +35

+34 Тошкент шаҳри +36

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

САМАРАДОРЛИК

давлат фуқаролик хизматининг асосий мезонига айланмоқда



Хозирги кунда дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида хоҳ давлат ташкилотларида бўлсин, хоҳ хусусий корхоналарда иш жараёнлари натижадорлик принципларига таянган ҳолда амалга оширилмоқда, десам муболага бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг топшириқларига кўра, республикамизда ҳам маҳаллий ҳокимликлар ва сектор раҳбарлари, давлат органлари ва идоралар фаолиятини натижадорликка асосланган кўрсаткичлар асосида баҳолаш тизими жорий этила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида 2020-2021 йиллар давомида сектор раҳбарлари 13-15 та, ҳудудий ҳоким ўринбосарлари 70-72 та кўрсаткичлар бўйича баҳолаб келинаётган эди.

Жорий йилдан бошлаб ҳудудлар сектор раҳбарлари фаолиятини янги ҳақда баҳолаш тизими жорий қилинди. Мазкур тизимнинг ўзига хос тарафи ҳамда афзаллиги шундан иборатки, эндиликда сектор раҳбарларининг ҳам касбий, ҳам сектор фаолиятига оид қилган ишлари баҳоланади. Яъни, соҳавий фаолияти натижалари бўйича 40%, сектор фаолияти натижалари бўйича 60%, умумий натижалар 100 баллик тизим асосида баҳолаш ишга тушди.

Хозирда сектор раҳбарларининг 2022 йил 1-ярим йилликда бажарган ишлари ҳамда қайд этган натижалари сарҳисоб қилинмоқда. Ўз навбатида, сектор фаолиятига доир бажарган ишлари 7 та кўрсаткичлар асосида қўйилган прогнозлар ва уларнинг

ижросига оид маълумотлар бирма-бир кўриб чиқиш, таҳлил қилинмоқда.

Маълумот учун: сектор фаолияти бўйича индикаторлар

1) Ҳоким ёрдамчилари фаолияти натижадорлиги — 20 баллгача;

2) Ёшлар етакчилари фаолияти натижадорлиги — 20 баллгача;

3) Оила ва хотин қизлар фаолияти натижадорлиги — 20 баллгача;

4) Маҳаллаларда содир этилган жиноятларни камайтириш — 15 баллгача;

5) Сектор раҳбарларининг шахсий ташаббускорлиги билан амалга оширилган ишлар — 15 баллгача;

6) Худуддаги аҳоли ва маҳалла раислари иштирокида ўтадиган ижтимоий аноним сўровнома натижалари — 5 баллгача;

7) Билим даражаси (платформа асосида) — 5 баллгача;

Жами: 100 баллик тизимда баҳоланади.

Юқорида кўрсатилган, сектор раҳбарларига 3 та янги ташкил этилган тузилмалар, яъни, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчилари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ҳамкорликда бажарган ишлари ҳамда кўрсатган амалий ёрдамлари рейтинглаш тизимида юқори балл келтирувчи индикаторлар сифатида киритилган.

Бундан ташқари, янги кўрсаткичлардан бири сифатида киритилган сектор раҳбарларининг шахсий ташаббуслари асосида қилинган ишлари вилоятда тузилган Ишчи комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилади. Ҳар бир сектор ҳудудида 6 та йўналиш (йўл қурилиши, ичимлик суви билан таъминлаш, газ таъминоти, ободонлаштириш, бунёдкорлик ва алоҳида муҳим топшириқлар) бўйича бажарилган ташаббусларнинг муҳимлиги даражаси, ҳалқ учун манфаат келтирилганлиги ва давлат дастурлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилганлиги инобатга олиниб ўн баллик тизимда баҳоланади.

Сектор раҳбарлари ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш, салоҳиятини ошириш ҳамда уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2021 йил 23 августдаги 536-сон қарорига асосан тақдирлаш тизими жорий

қилинган. Унга кўра, "Энг намунали сектор" номинациясида (республика бўйича 3 та) ғолиб бўлган 1-ўрин соҳиби учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баравари, 2-ўрин учун 400 баравари, 3-ўрин учун 300 баравари миқдориди, шунингдек, "Энг ташаббускор сектор" номинациясида (ҳар бир ҳудудда 3 тадан) ғолиб бўлган 1-ўрин соҳиби учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари, 2-ўрин учун 150 баравари, 3-ўрин учун 100 баравари миқдориди рағбатлантириш белгиланган.

Давлат бошқарув органлари раҳбарлари фаолиятини баҳолаш бўйича жорий қилинган яна бир муҳим йўналиш бу — туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарларини Энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш тизимидир.

Маълумот учун: Энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) — давлат фуқаролик хизматчилари томонидан функционал мажбуриятлари ва топшириқларни ижро этилишининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш учун қўлланиладиган ва миқдоран ўлчаш мумкин бўлган баҳолаш индикатори.

Маҳаллий ижро ҳокимияти фаолиятида KPI тизимини жорий қилиш ва бу тизимдан фойдаланишда энг биринчи қадамлардан бири маҳаллий давлат ҳокимиятининг фаолият кўрсатиш йўналишларини ва стратегик ривожланиш мақсадларини белгилаб олишдир.

Ушбу йўналишда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Хозирги кундаги энг долзарб вазифалардан келиб чиқиб, янги мезонлар ишлаб чиқиш, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Жорий йилдан бошлаб ҳудудлар ҳоким ўринбосарларини самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш тизими такомиллаштирилиб, баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлар содда-лаштирилди.

Ўтган 2020-2021 йиллар давомида ҳудудий ҳоким ўринбосарлари 70-72 та кўрсаткичлар бўйича баҳолаб келган бўлса, хозирда жами 44 та кўрсаткич асосида баҳолаш

тизими жорий этилди. Жумладан, туман (шаҳар) ҳокими молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалаларини бўйича биринчи ўринбосарлари — 7 та, инвестиция бўйича ўринбосарлари — 5 та, қурилиш коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш бўйича ўринбосарлари — 9 та, ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари — 8 та, оила ва хотин-қизлар бўйича ўринбосарлари — 7 та, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари 8 та кўрсаткичлар бўйича баҳоланмоқда.

Жорий йилдан бошлаб, баҳолаш ишлари вилоят ҳокимининг тегишли қарорлари асосида ҳокимликнинг Аxbopот-таxлил гуруҳлари томонидан ҳар ярим йил якуни бўйича амалга оширилиши белгиланди.

Яқунда ҳоким ўринбосарлари фаолияти 70 балдан кам тўплаганда "Қониқарсиз", 70 балдан 90 баллгача тўплаганда "Қониқарли", 90 балдан 100 баллгача тўплаганда "Яхши", 100 балдан юқори тўплаганда "Аъло" даражада баҳоланади. Натижалар вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган сўнг, фаолияти "яхши" ва "аъло" даражада баҳоланган ўринбосарлар мос равишда тегишли ҳақнинг 50 фоиз ва 100 фоиз миқдориди устамалар билан рағбатлантирилади.

Шунингдек, ярим йил ва йил якунида кетма-кет "қониқарсиз" кўрсаткичларга эга бўлган ҳоким ўринбосарларини интизомий жавобгарликка тортиш масаласи кўриб чиқиши белгилаб қўйилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари қўлланилиши натижасида, маҳаллий ҳокимликлар ва сектор раҳбарлари томонидан ўз ҳудудида аҳолини рози қилиш, уларнинг турмуш шaroитларини яхшилаш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини янада кўтариш имконияти яратилди.

Дониёр КАСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Андижон вилояти филиали етакчи инспектори.

ШАХМАТ: МАҒЛУБИЯТГА ТЕНГ ДУРАНГ

Шу кунларда Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида 44-бўғунжаҳон шахмат олимпиадаси қизғин давом этмоқда.

Терма жамоамиз аъзоси Нодирбек Абдусатторов қора доналарда Фабиано Караунани мағлубиятга учратган бўлса, Нодирбек Ёқуббоев жаҳон рейтингда 6-ўринда жой олган Левон Аронян билан оқ доналарда дуранг ўйнади. Жавоҳир Синдоров қора доналарда Уэсли Содан мағлуб бўлди. Тажрибали Жаҳонгир Воҳидов эса Сэм Шенкленд билан ўйин аввалида ишончли дона сурди. Бироқ, 51-ўришга келиб Жаҳонгир деярли юз фоизлик ғалабани қўлдан чикарди. Бу эса америкаликлар учун ғалабага тенг дурангни тақдим этди.

Ушбу дурангдан сўнг терма жамоамизнинг очкоси 7 тага етди. Бунгача вакилларимиз учта баҳсда ғалабага эришганди.

Шахмат олимпиадасининг қизлар ўртасидаги ўйинлари ҳам муросасиз бахсларга бой кечмоқда. Шахматимиз маликалари Доминикан Республикасини 3:1 ҳисобида мағлуб этди.

Нилуфар Ёқуббоева ва Умида Омонова дурангга имзо чеккан бўлса, Мафтунна Бобомуродова ва Маржона Маликова ғолибликни тантана қилди. Шу тарзда Ўзбекистон қизлар терма жамоаси шахмат олимпиадасида 3 та ғалабани қўлга киритиб турибди.

Эркаклар жамоалари ўртасидаги ўйинлар қутилган ва қутилмаган натижалар билан барчани хайратга солмоқда. Чемпионатда Ҳиндистоннинг учта жамоаси қатнашаётган бўлса, уларнинг барчаси юз фоизлик имконият билан ҳаракатланаётган бир пайтда Ҳиндистон-3 жамоаси кеча Испанияга имкониятни бой берди. Олимпиаданинг марказий учрашувларидан бири ҳисобланган Франция — Ҳиндистон жамоаси "дуэли"да дуранг қайд этилди.

Ҳиндистон-2 жамоаси эса бир тур муқаддам Карлсен етакчилигидаги Норвегияни мағлуб этган Италияни 3:1 ҳисобида доғда қолдирди.

Ўзбекистон эркаклар жамоаси 5-турда 4-турда Украина шахматчиларини енгган Словакия билан, қизларимиз эса вьетнамлик дугоналар билан учрашади.

Эслатиб ўтамик, 44-шахмат олимпиадасининг 5-тур ўйинлари бугун бўлиб ўтади.

Т. РЎЗИЕВ, ЎЗА.

ТОМОРҚА ЭҒАЛАРИ

учун онлайн платформаси ишлаб чиқилди

Бугунги кунда барча соҳалар ишловларга ҳамоҳанг тарзда ривожланиб бормоқда. Биргина "Агробанк" АТБ томонидан амалга оширилган кенг қўламли трансформация жараёнлари натижасида банк экотизими яратилди. Шунинг натижасида хизматлар қўламини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан аниқ мақсадли саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Айниқса қишлоқ хўжалигини илмий асосда тараққий эттиришда ҳам кўзга кўринарли амалий ишлар олиб борилаётган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрда "Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги" қарори ижроси юзасидан аниқ мақсадли саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Хусусан, томорқа эгаларига қўлайлик яратиш мақсадида янги "AgroZamin O'zimizniki" онлайн платформаси ишлаб чиқилди ва жорий йил 1 апрелдан ишга туширилди.

Бу платформа орқали томорқа ер эгасига ўз махсулотини онлайн сотиш, уруғ, кўчат, минерал ўғитларни сотиб олиш, видео қўлланмалар, онлайн маслаҳат олиш имконияти яратилди. Шунингдек, мазкур платформа орқали махсулот ва хизматларни онлайн тарзда "Агромарказлар"га буюртма бериш имконияти тақдим этилди.

Шунингдек, республика бўйича томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермер хўжаликлар ва бошқа қишлоқ хўжалигининг барча бўғинларига "бир дарча" тамойили асосида хизмат кўрсатиш учун ҳудуд ихтисослашувидан келиб чиқиб "Агромарказ"лар ташкил этилади.

Ана шундай "Агромарказлар" фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида жорий йилнинг 23 июль куни

"Агробанк" АТБ томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Фарғона вилоятига пресс-тур ташкил этилди.

Тадбир давомида иштирокчилар Фарғона шаҳри ва вилоятнинг Ўзбекистон туманида жойлашган "Агромарказлар"ни кўздан кечиришга ва ушбу марказлар томонидан кўрсатилаётган хизматларни жойида кўришга муваффақ бўлди.

Бу марказлар орқали томорқа эгалари, деҳқон хўжаликлар ва бошқа қишлоқ хўжалик етиштирувчиларига барча турдаги хусусан, "ерга ишлов бериб уруғ қадашдан то тайёр махсулот" гача бўлган занжирли тизимни қамраб олган тизимдаги хизматлар кўрсатилади.

Хусусан, "Агромарказ"ларда агроном, ветеринар, ўсимликларни ҳимоя қилиш, хизмат кўрсатувчи мобил гуруҳлар, томчилатиб суғориш, паррандачилик, қўвнчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишида консалтинг (маслаҳат) хизмати;

- Техника хизматлари, минерал ўғитлар етказиб бериш, сунъий уруғлантириш, транспорт хизматлари;

- Етиштирилган махсулотларни сотиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш тизими ҳам йўлга қўйилади.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари пресс-тур давомида "Агромарказ"ларда яратилган шарт-шaroитлар, имкониятлар билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан батафсил жавоб олди.

"AgroZamin O'zimizniki" мобил иловасини юклаб олинг.

Андроид: (https://play.google.com/store/apps/details?id=com.agrozamin.uzimizniki&hl=ru&gl=US) IOS: (https://apps.apple.com/uz/app/ozimizniki/id1610932484)

"Агробанк" ахборот хизмати.



ҚУРИЛИШДА ҚАТТИҚ ИНТИЗОМ БЎЛСИН

Бугунги кунда республикамиз бўйлаб бино ва иншоотларни қуриш ишлари кенг қўламли олиб борилмоқда. Буларга маъмурий ва жамоат бинолари, кўп қаватли турар жой бинолари, маданият саройлари, кўргазма марказлари, театрлар, спорт иншоотлари, ўқув муассасалар, савдо уйлари нисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Аҳоли кўп йиғиладиган бундай масканлар одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар ичида уларни эвакуация қилиш ва қутқариш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Қурилишдаги камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ниҳоятда муҳим. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш масалалари ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимидан чуқур билимни талаб этади.

Ҳамиджон НАСИРОВ, Президент Администрациясига қарашли "Архив" ва "Халқ қабулхонаси" биноларида ЁХТТЭ бўлинмаси мутахассиси, катта сержант.

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Мумтоз адабиёт тарихи кафедраси жамоаси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори Нурбой Жабборовга отаси АБДУЛҲАКИМ БОБОНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси Чироқчи туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Қўчқор Ғаниевга волидаи мухтарамаси

ҲАЙИТГУЛ МОМОННИНГ вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

MUASSIS: O'zbekiston XDP Xalq demokratiik partiyasi O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIİK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston ovozi TAHRIR HAY'ATI: Ulug'bek INOVATOV Muslihidin MUHIDDINOV Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDYOYQULOV Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy. Telefonlar: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67. E-mail: uzbovozi@mail.ru

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. Navbatchi: Ravshan SHODIYEV Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV